O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

2000 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

• 8 сентябр, №37(3575) •

Пиримқул ҚОДИРОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АДОЛАТ ЙЎЛИ

«Олтин олма, олқиш ол», деган ҳикматли ибора бор. Истиқлол даврида эл-юртнинг самимий олқишига сазовор бўлаётган хайрли ишлар қилинганини биринчи навбатда қаламга олиш жоиздир.

Ўзбек пахтаси жаҳон бозорига фақат арзон хомашё сифатида чиқарилган даврлар ўтмишга айланди. Барча вилоятларимизда янги-янги тўқимачилик корхоналари ишга тушаётганлиги сабабли пахтадан ишлаб чиқарилган қимматбаҳо саноат моллари қарамлик даврига нисбатан тўрт-беш баробар кўпайди.

Дастурхонларимизни безаб турган ажойиб нонлар ғалла мустақиллигига эришаётганимиздан далолат беради.

Ўзбекистон байроғининг ёрқин рангларини ўзида акс эттирган ва Тошкентда ишлаб чиқарилган самолётларни кўрганда кўзингиз қувонади. Шаҳару қишлоқларимизнинг кўчаларида ўзимизнинг автомобил заводларимизда тайёрланган чиройли енгил машиналар ва автобуслар кун сайин кўпайиб бормоқда. Бу ҳамма Истиқлол берган улкан неъматлардир.

Сўнгги тўққиз йил давомида улуғ аждодларимизга нисбатан тарихий адолатнинг изчиллик билан тикланиб борилаётгани нафақат элдошларимизни, балки бутун дунёдаги тараққийпарвар одамларни қойил қолдирмоқда.

Пойтахтдаги Миллий боғимизга ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкалининг пойига жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган давлат бошлиқларининг гулчамбар қўйишлари дилимизни ифтихор туйғусига тўлдиради.

Тошкентда, Самарқандда, Шаҳрисабзда, Андижонда Амир Темурга, Мирзо Улуғбек ва Бобур Мирзога атаб улуғвор ёдгорликлар барпо этилгани, Фарғонада, Урганчда ва Наманганда Аҳмад Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди ва Машраб хотирасини абадийлаштирувчи ҳайкаллар ўрнатилгани — минг йилларга татигулик эзгу ишлардир.

Мана, бу йил пойтахтнинг Бўзсув анҳори бўйида мустамлака зулмига ва мустабид тузумга қарши курашиб ҳалок бўлган шаҳидлар хотирасига бағишлаб бунёд этилган улкан боғ ва ёдгорлик мажмуи тарих зарварақларига битиладиган ёрқин воқеалар сирасига киради.

Истиқлол даври келгуси асрларга ҳам ибрат бўладиган бундай ажойиб янгиликларга жуда бой. Уларнинг ҳаммаси эл-юртимизнинг олқишига сазовор

Эзгулик

бўлмоқда, чет эллик хайрихоҳларимизни ҳам мамнун қилмоқда.

Фақат бизга ўгай кўз билан қарайдиган бахил кучлар турли мамлакатлардан долларга ёлланган террорчиларни ишга солиб, халқимизнинг тинчини бузишга уринмоқдалар.

Ватанпарвар мард ўғлонларимиз Олий Бош Қўмондон — Президентимиз раҳбарлигида террорчиларга қақшатқич зарбалар беришмоқда. Шу шароитда бизнинг ҳар биримиз душманнинг қора ниятларидан огоҳ бўлишимиз, ўз уйимиз, маҳалла-қўйимиз, барча шаҳру қишлоқларимиз, бутун Ватанимиз ҳимоясида собит ва ҳушёр туришимиз зарур.

Олий Мажлисимизнинг учинчи сессиясида қабул қилинган террорчиликка қарши кураш ҳақидаги қонунни ҳамда дунёнинг барча мамлакатлари ва парламентларини халқаро террорчиликка қарши курашга даъват этувчи мурожаатномани биз — қалам аҳли астойдил қўллаб-қувватлаймиз.

Дарҳақиқат, куни кеча матбуотда Президентимизнинг «Террорчи гуруҳлар тарқибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Фармонда таъкидланганидек, турли хил экстремистик оқимлар таъсирида террорчи гуруҳларга қўшилиб қолган, оқибатда ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, бош эгиб келган шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилади. Чинакам инсонпарварликнинг ёрқин намунаси бўлган бу ҳужжат адашган ватандошларимизнинг беҳуда қурбон бўлиб кетишларига йўл қўймасликни кўзда тутади. Маълумки, бундай чуқур гуманистик саъй-ҳаракатлар юртбошимиз томонидан биринчи марта амалга оширилаётгани йўқ. Бундан халқимиз ҳам, жаҳон афкор оммаси ҳам яхши хабардор. Эндиликда тоғу тошда саргардон кезиб юрганлар кўзларини катта очиб, адашган йўлни тарк этиб, Ватанга, ота-она бағрига қайтишлари зарур.

Албатта, ҳар бир нарсанинг ниҳояси бўлганидек, афу адолатнинг ҳам чегараси бор. Ўйлайманки, буни террорчи гуруҳлар тарқибига адашиб кириб қолганлар тўғри тушунадилар. Агар уларнинг кўнглида афсус-надомат, тинч турмушга қайтиш нияти бўлса, мана, уларга ўз гуноҳларини ювиш, ҳаётларини қайта бошдан бошлаш имконияти.

Террорчилик — чегара билмайдиган ва бутун дунёга ажал уруғини сочаётган ўта хавфли офат экани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг яқинда Нью-Йоркда очилган мингйиллик саммитида ҳам тан олинди. Умид қиламизки, дунёнинг ҳамма тараққийпарвар давлатлари террорчиликка қарши курашаётган барча кучларни бирлаштириб, умумий ғаплардан амалий ишга ўтадилар. ХХI асрнинг чинакам тинчлик маданияти асри бўлишига эришадилар.

Айни вақтда биз — ўзбекистонликлар, ўз Ватанимизни террорчилик балосидан поклаш ва омон сақлаш учун қўлимиздан нимаики келса, қилишга тайёрмиз.

Қабиҳ ниятли ёвуз кучлар бизнинг истиқлол нурига йўғрилган ёруғ кунларимизга ҳеч қачон ўрта асрлар зулматини олиб киролмагай.

Террорчилик йўлига кирган қотиллар билан мардона кураш олиб бораётган барча ватандошларимиз ва қуролли кучларимизни Парвардигор ўз паноҳида асрасин, доим қўллаб-қувватласин.

Нилуфар РАҲМАТОВА:

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН ЯШАЙМАН

Қўнгилнинг мовий осмон каби тиниқ, азим дашту далалар каби беғубор кенгликлари бор. Санъатга ошно қалб ана шу кенгликларни кўнглига жо қилиб, орзу-умидларию армонларини қўшиғида ифода этади.

«Ниҳол» мукофоти совриндори ёш умидли хонанда Нилуфархон Раҳматова (Саитова) билан суҳбатимиз асносида кўнгил кенгликларига саёҳат қилдик.

— Нилуфархон, ҳаётим кўнглимдагидек ўтмоқда, дедингиз. Бундай дейишингизнинг боиси бўлса керак, албатта?

— Биласизми, менинг ҳаётим энг аввало кўнглимда кечади. Бу гапимга кўпчилик ишонмайди. Мен кўпроқ ғайритабиий нарсаларга қизиқаман. Шунинг учун бўлса керак, ҳаётим мўъжизага тўла. Масалан, бирор танловда иштирок этаётиб «албатта ғолиб бўламан», деган фикр кўнглимдан ўтса, ғолиб бўламан. Санъат йўлини танлаганимда кўпчилик: «Бу йўл қиз бола учун жуда оғир, келажакда оила билан санъат — икковини бирдек олиб кетиш мушкул», дейишди. Мен ўшанда: «Йўқ, ҳаётим жуда гўзал бўлади. Ёнимда мен учун жон куйдирадиган, ижод қилишимда мени қўллайдиган инсон бўлади», — дердим. Мана бугун ана шу орзуимга эришдим. Шу йилнинг феврал ойида «Тарона—2000» мукофотининг «Ёш умидли юлдуз» совринига сазовор бўлдим. Августда «Ниҳол» совринига муносиб топилдим. Шу йилнинг ўзида Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг мусиқали драма факултетини битирдим. Турмуш қурганимга ҳам бир йил бўлди. Яқинда, худо хоҳласа, оналик бахти насиб этади. Буларнинг боиси ҳаётда ҳамиша яхши ният билан яшаганимдан деб биламан...

— Сизнинг сўзларингиз қадимги юнон файласуфи Арастунинг «Ахлоқий фазилатлар одамнинг ниятида акс этади», деган фикрини эслатди. Лекин, барибир, ҳар қандай соҳада ютуққа эришиш учун пок ниятнинг ўзи камлик қилса керак...

— Қўшиқ мен учун қалбимнинг бир парчаси каби азиз. Шу туфайли ижро этадиган қўшиғимга сўз топиш учун баъзан ўнлаб китобни титкилайман. Мен шеър, китоб ўқиш жараёнида ўз кўнглимни қидираётгандек бўламан. Шундай шеър бўлсинки, менинг юракдаги дардим, орзуларим унда ўз ифодасини топсин. Масалан, менинг ойим, шоира Олия Омонова кўнглимдаги сўзни топа оладилар. «Турналар», «Мовий кўзлар», «Дунё» каби қўшиқларим ойижоним ёрдамида дунёга келган. Ёки халқ шоири Нормурод Нарзуллаевнинг «Наврўз» ва Шавкат Азимовнинг «Ўзбекистон» қўшиқлари ҳам кўнглимдаги қўшиқлардир.

Мусиқа танлашда қийналмайман. Негаки, ёнимда мени тушунадиган, кўнглимдаги инсон бор. Бастакор Султонали Раҳматов ҳам устоз,

«Ниҳол» мукофоти совриндори

ҳам турмуш ўртоғим сифатида мендан ёрдамларини аямайдилар. Ижодимиз маҳсули сифатида феврал ойида «Нилуфар ва Султонали Раҳматовлар» деб номланган биринчи видеокассетамиз, июн ойида «Қарашлар» деб аталган аудиокассета ва лазер дискларимиз дунё юзини кўрди. Яқинда мақом қўшиқларидан «Самарқанд ушшоғи»ни янги талқинда ижро этдик. Бундан ташқари, яна кўплаб мақом қўшиқлари устида ишлаяпмиз...

Инсон ўз тақдирини ўзи яратади, деган гап бор. Менингча, ҳар бир инсоннинг тақдири Яратган томонидан ёзилади, инсон эса, ўша йўлни босиб ўтади. Инсон ана шу йўлни муносиб босиб ўтиши учун яхши ният билан яшаши ва шунга яраша саъй-ҳаракат қилиши лозим.

Адиба ҲАМРО қизи суҳбатлашди

Кўчқор НОРҚОБИЛ

СЎЗ ~ ҚАЛҚОН, СЎЗ ~ ЎҚ!

2000 йил. Август кечаси.

Озодлик ва тинчликни қанот қилиб юксакликда парвоз этаётган Ватанимга ўқ отган ёвузларни мен инсониятнинг, ер юзининг душмани деб биламан...

Ўзбекистонни биз юрагимизга жойлаганмиз... Шундай экан уни ғаним қўлига бериб қўймаймиз. Имоним комил, бутун ўзбекистонликлар шундай ўйда!

Ўзбекистондан бошқа жойда Ўзбекистон йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Бугун бу тушунчани ҳаммамиз англаб етдик!

Ўзбек шоирлари,
Менинг дўстларим!
Бу кеча муҳаббат ҳақда ёзмаймиз...
Барингизга исён истадим,
Ватан сарҳадидан ёв ўтди...
Ёвга қарши юриш қиламиз,
Ахир биз озмасмиз.

Йўқ, мен қўрқканим йўқ,
Юракка санчилди хавотир.
Сарҳаддан ёв отган ўша ўқ —
Ватани борларни уйғотур...

Ўзи битта одамнинг,
Юзи битта одамнинг,
Сўзи битта одамнинг
Ватани ҳам битта бўлади.

Қалам тутган шоир — алам ютган шоир
Қурол ҳам тутолади...
Қурол тутган шоир — сурон тутган шоир
Юртим деб ўтолади...

(Давоми 3-бетда.)

Ёқубжон ИСҲОҚОВ

«ЎН САККИЗ МИНГ ОЛАМ» АСРОРИ

Ҳар бир халқнинг бутун дунё танийдиган, бутун дунё тан олган улуғ фарзандлари бўлади. Алишер Навоийни эса, дунё XV асрда — шоир ҳаётлигидаёқ тан олган. Мана, беш асрдан зиёд вақт ўтибдики, турли миллат ва халқлар даҳо шоиримизнинг дурдона асарларидан баҳраманд бўлиб келади.

2001 йили мутафаккир шоир 560 ёшга киради, вафотига эса 500 йил тўлади. Шу муносабат билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да янги — «Навоий гулшани» рукнини очганмиз. Атоқли навоийшунос олим Ёқубжон Исҳоқовнинг ушбу сонда чиқаётган мухтасар тадқиқоти бу рукн остида босилаётган учинчи мақоладир.

Алишер Навоийнинг ижодий мероси — ўзбек маданиятининг, умуман, жаҳон маданиятининг боқий қадриятларидандир. Бинобарин, биз — унинг ворислари бу буюк меросга ғоят катта ҳурмат-эътибор билан, эҳтиёт муносабатда бўлишимиз зарур. Шу боисдан тахririят адабиёт газетамиз саҳифаларида ФАҚАТ ДАҲО СЎЗ САНЪАТКОРИ ШАЪНИГА МУНОСИБ МАҚОЛАЛАРНИГИНА ёритишга қарор қилди. Хоҳ ўйрик тадқиқот-мақола бўлсин, хоҳ мухтасар мақола — фикра бўлсин, қатъи назар, унда Алишер Навоий ижодига доир бирор янги илмий фикр — «янги гап» айтилсин, янгича илмий қараш ёки илмий фараз илгари сурилсин. Шу тақдирдагина улуғ мутафаккир бобомиз шаънига муносиб иш қилган бўламиз.

Муҳтарам навоийшунослар, илмий теран мақолаларингизни кутамиз!

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ

«Ўн саккиз минг олам» ибораси қулоққа чалинганда кўпчиликнинг хаёлига устоз Навоийнинг «Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур, Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур» матлаъли ғазали келади. Зеро, ҳақиқий баркамоллик тимсоли бўлмиш «ўн сакиз ёшинда»ги «ҳусн шоҳи»нинг оламга ғавғо солувчи идеал қиёфаси васф этилган бу ғазал муносиб куйга солиниб, узоқ йиллар давомида атоқли санъаткорлар томонидан куйланиб келинмоқда.

Навоий гулшани

Мажозда Ҳақиқат асрори ифодаланган ушбу ғазалдан оддий омма ҳам, хослар гуруҳи ҳам, ҳақиқат чўққисига эришган сиддиқлар ҳам — барчаси ўз фаҳму донишига яраша баҳра олади. Зотан, устоднинг ўзи эътироф этганидек:

Санамлар ҳуснидин мақсуд Ёр ўлмиш Навоийга:
Агар барлос, агар тархон, агар арлот, агар сулдуз.

Пок юзга(умуман, гўзалликка) пок назар билан боққан ҳақиқий ошиқ учун коинотдаги ҳар бир гўзаллик илоҳий гўзаллик — ҳақиқатга олиб борувчи кўприк вазифасини ўтайди(ҳадис: мажоз — (реал мавжудот) Ҳақиқатнинг кўпригидир).

Бизнинг асосий муддаомиз ҳозирча мазкур ғазални батафсил таҳлил қилиш эмас, балки унинг бошидаги «ўн сакиз минг» иборасининг моҳияти ҳақидаги мулоҳазаларимизни баён этмоқдир.

Мумтоз Шарқ адабиёти, жумладан, устод Навоийдек мутафаккир санъаткорлар асарларида ғоявий-бадиий

(Давоми 3-бетда.)

ТЕННИС, БУ — БИЗНЕС, РЕКЛАМА!

Эртага пойтахтимизнинг «Юнусобод» теннис кортида Ўзбекистон Президенти кубоги учун навбатдаги теннис турнири бошланади.

Етти йилдирки, мамлакатимизда Ўзбекистон Президенти кубоги учун теннис турнири ўтказиб келинмоқда. Унинг мавқеи, обрўси йилдан-йилга ошиб бораяпти. 1994 йилда бўлиб ўтган биринчи турнирдан бошлаб ҳар йили жаҳон теннис таснифидаги энг кучли теннисчилар иштирок этишмоқда. Президент кубоги турнири жаҳондаги энг нуфузли теннис мусобақалари сафидан жой олди.

Теннис бугун жаҳондаги энг оммавий, энг обрўли спорт турларидан бири. Таъбир жоиз бўлса, у катта бизнес, реклама. Президент кубоги мамлакатимизни жаҳон аҳлига танитишда ҳам улкан рол ўйнамоқда. Теннис шарофати билан юртимизни яқиндан билишга орзуманд бўлаётганлар орасида ишбилармонлар, тадбиркорлар, катта завод ва фабрика эгалари, миллионер миллиардерлар бор. Истиқлолга эришган давлат учун бу жуда муҳим. Чет элларда битта футболчи, баскетболчи ёки ҳоккейчини сотиб олишга эллик, юз миллион сарфланаётган бир пайтда, биз мамлакатимиз нуфузини кўтарадиган теннис турнири учун қанча маблағ сарфласак ҳам арзийди.

Яқин-яқингача теннис нима эканлигини билмасдик. Телевизорда берилган узуқ-юлуқ лавҳаларни кўрганимизда, бу қанақа ўйин экан, деб қўярдик. Бугун мамлакатимизда юзлаб теннис кортлари қурилган. Уларда минглаб фарзандларимиз теннисдек ажойиб ўйин сирларини ўрганмоқда, спорт билан шуғулланиб соғлигини мустаҳкамламоқда. Бугун қурилган ва қурилаётган теннис кортлари, стадионлар, спорт майдончалари авлодларимиз соғлиғи, баркамоллиги учун хизмат қилади. Негаки, бу спорт иншоотларида нафақат болаларимиз, невара-чевараларимиз ҳам шуғулланади. Бу йилги мусобақалар 9-17 сентябр кунлари пойтахтимизнинг «Юнусобод» теннис кортида бўлиб ўтади. Турнирга йигирмадан ортиқ давлатдан теннисчилар келиши кутиляпти. Марат Сафин, Евгений Кафелников, Тим Хенмен, Марк Росса, Седрик Пиолин каби теннис юлдузлари ташриф буюради юртимизга. Албатта, бундай машҳур теннисчиларнинг ўйинларини кўриш, кузатиш мароқли. Лекин шундай пайтда кўнгилда бир орзу туғилади: қачон бизнинг теннисчиларимиз улар сафига қўшилади. Президентимиз кубогини қачон ўзимизнинг теннисчиларимиз қўлга киритади. Шундай кунлар тезроқ келишини жуда-жуда истар эдик.

Б. УЛУҒБЕК

БУЮК МЕҲНАТ КЕЗАР...

Пахта - 2000

Бунёдкор меҳнат билан тинч ва осойишта ўтган ҳар бир кунимизнинг қадри бениҳоя буюкдир. Бугун олтин куз тароватига чўлғанган озод Ўзбекистон дала ва боғларини кезган ҳар бир инсон бунга яққол ишонч ҳосил қилиши мумкин. Шоир айтганидек, "Ризқи она ерга сепилган" қадим ҳалол халқимиз "Бир пари фаслнинг оғушида маст" она Ўзбекистон қучоғида йил бўйи тўккан меҳнатидан бунёд бўлмиш олтин дурларни йиғиштириб олишга киришди. Оппоқ олтиндек пахта хирмонлари кўкка бўй чўза бошлади.

Андижонлик пахта усталарининг меҳнат ғайратларидан илҳомланган қашқадарёлик пахтакорлар ҳам машина теримини кенг кўламда бошлаб юбордилар. Айниқса, Қарши ва Усмон Юсупов туманларининг пахта далаларида иш қизғин. Шу туманлар хўжаликлари бўйлаб кезганда кўзингиз қувонади. Далалалар узра меҳнаткаш мушфиқ сингилларимиз икки мингинчи йил ҳосилини эўр иштиёқ ила тера бошлаган бўлсалар, пахта заводларимиз эса хирмонларда юксалаётган янги мавсумнинг "олтин тоғ"ларини қайта ишлаб, энг аъло нав толаларни ажратиб олмоқдалар.

Қарши тумани мамлакатдаги йирик пахтакор туманлардан биридир. Бу йил туман далаларида ҳар қачонгидан кўра мўл пахта ҳосили етиштирилди. Айниқса, Яхши Омонов номидаги ширкат хўжалиги зироатчиларининг саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Сайфулла Хайруллаев билан туман ҳокимлигида бўлиб ўтган қисқа суҳбатимиз чоғида бу хўжалик деҳқонларининг ҳар куни юз тоннадан ошириб аъло навли пахта топшираётганларини эшитдик. Тумандаги "Истиқлол", "Ипак йўли", "Бешкент" ва Собир Раҳимов номидаги хўжаликлар ҳам карвоннинг олдинги сафларида боришмоқда. Туман бўйича эса ҳар куни икки юз-икки юз эллик тоннадан кўп ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Айрим пудратчи деҳқонлар, фермер хўжаликлари эса бир теримнинг ўзиданоқ шартнома режаларини уддаламоқдалар.

Усмон Юсупов туманидаги "Жейнов" ширкатлар хўжалигида эса ғўза барги ерда ишловчи техникалар ёрдамида тўқтирилаётгани устидан чиқдик. Машина теримига ҳар жиҳатдан тахт қилиб қўйилган далаларни кўриб кўзимиз қувонди. "Жейнов"ликларнинг кўпгина хайрли ташаббуслари -илларда достон, десак асло муболаға бўлмайди. Хўжаликда асл деҳқоннинг қадрига етишади. Унинг меҳнати бебаҳо неъмат сифатида улуғланади. Шу боис деҳқоннинг бунёдкор меҳнат билан ўтган ҳар бир



«Жейнов» ширкатлар хўжалиги пахта далаларида.

(Давоми 2-бетда.)

СИМФОНИК МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

21-25 сентябр кунлари пойтахтимизда II Халқаро симфоник мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Унда йигирмадан ортиқ мамлакатдан элликдан зиёд бастакор, дирижёр, ижрочи ва менежерлар иштирок этадилар. Фестивал доирасида ўтказиладиган тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари Ҳабибулла РАҲИМОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги шодиёналари биз мусиқачилар учун олам-олам завқ ва илҳом ҳадя этди. Истиқлол шарофати билан ўзбек санъаткорлари турли халқаро мусиқа фестивалларида иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Айни кунларда эса II Халқаро симфоник мусиқа фестивалига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Фестивалда Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси симфоник оркестри, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси камер оркестри иштирок этади. Шунингдек, таниқли дирижёрлар — Чарлз Ансбаккер(АҚШ), Саим Акчил(Туркия), Гаэтано Колайянни(Италия), композиторлар — Куи Донг(АҚШ), Улрич Мелчиор(Швецария), Фарангиз Ализода-(Озарбойжон)нинг фестивалимизда қатнашиши биз учун қувонарлидир. Фестивалдан асосий мақсадимиз ўзбек симфоник мусиқаси нуфузини кўтариш ва чет эллик мусиқачилар билан тажриба алмашишдир. Фестивалда чет эл ва ўзбек композиторларининг энг сара асарлари ижро этилади.

21 сентябр куни фестивал қатнашчилари улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўядилар. Шундан сўнг Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида журналистлар учун анжуман ўтказилади. Шу куни «Туркистон» саройида фестивалнинг тантанали очилиши бўлади. Фестивал кунлари Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ва «Туркистон» саройида камер-чолғу ва симфоник асарлардан концертлар берилади. Шунингдек, турли давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказишни ҳам режалаштирганмиз. 23 сентябр куни Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида «Миллий қадриятлар ва замонавий ижодиёт» мавзуида давра суҳбати бўлади.

Шундан сўнг фестивал иштирокчилари Самарқанд шаҳрига саёҳат қилиб қайтадилар, «Ўзэлектроаппарат» заводида симфоник мусиқа мухлислари билан учрашув бўлади.

Фестивалнинг мароқли ўтиши учун ҳозирдан катта тараддуд кўрилмоқда.

Мирвоҳид МИРКОМИЛОВ ёзиб олди

ИМЛО ҒАЛАТ, МАЪНО ҒАЛАТ!

Шаҳримиз кўчаларида салобат тўкиб турган ёки янги қад ростлаган бир-биридан гўзал иморатларни кўриб қалбингиз қувонч ва фахр туйғуларига тўлади. Бироқ... ана шундай кўркам бинолар пештоқига лотин алифбосида нотўғри битилган ёзувларни кўриб ҳафсалангиз пир бўлади.

Тўғри, лотин алифбоси маънавий ҳаётимизга кириб келаётган янги ҳодиса. Лекин ана шу алифбода жойларнинг номлари, катта-катта плакатлар, турли шиор ва чақириқлар ёзилаётганда биладиган кишилар ёки ташкилотлардан сўраб-суриштириб, ҳар бир сўзнинг тўғри ёзилишига эътибор бериб ишга киришиш керак, деб ўйлайман. Айниқса «ойнаи жаҳон» орқали берилаётган матнларнинг тўғри ёзилишига аҳамият беришимиз зарур. Чунки одатда майда икир-чикир хатолардан катта-катта нуқсонлар келиб чиқади. Агар биз лотин алифбосидаги сўзларнинг тўғри ёзилишига бугун эътиборсиз қарар эканмиз, эртага кеч бўлади. Баъзи ўз ишига совуққон одамларнинг айби билан ёшларимизнинг саводхонлигига путур етади. Агар бундай хатолар онда-сонда учраб турган бўлса, майли эди. Афсуски, бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Масалан, Муқимий кўчаси **Mukimiy**, кўпгина дорихоналар **Dorihona**, кўплаб поликлиникаларда қабул вақти **Kabul vakti**, шаҳардаги деярли барча овқатланиш шахобчаларида **Milley taomlar** тарзида ёзилган. Шунингдек, х ва ҳ ҳарфларининг ёзилишидаги чалкашликлар ҳар қадамда кўзга ташланади: **Halg ta`limi, Halg Gamg`armasi, Xissadorlik** каби.

«Ойнаи жаҳон»да ҳам **bahtiyr, yahshi, tayorladilar** каби кўплаб нотўғри ёзилаётган сўзларни ўқиш мумкин.

Пойтахтимиз бўйича ўн бир район, 400дан ортиқ корхона, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, минглаб кўчалар бор. Бу ерларда жой номлари лотин алифбосида тўғри ёзилаяпти, деб ким кафолат беради?

Шу ўринда тилимизда жаддаллик билан давом этаётган сўз ясаш масаласига ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Агар — **гох, — нома** қўшимчалари омон бўлса, ҳали тилимиз олийгоҳ, ўйингоҳ, томошагоҳ, тайёрагоҳ топшириқнома, далолатнома, ишончнома, чақирувнома каби антиқа сўзлар билан «бойиб» кетса керак!

Мен кекса педагог сифатида ҳарфий хатолар, шошма-шошарлик билан сўз ясаб, ташлаш ҳоллари умумий саводхонликка путур етказишидан хавотирдаман. Шунинг учун саводхонлик бўйича марказ ташкил қилиш, у ерга мутахассисларни жалб этиш лозим, деб ўйлайман.

Қуёнчак газетхонлар ёзади

Муҳсин МАҲМУДОВ, пенсионер ўқитувчи

МИЛЛИЙ МУСИҚАМИЗ ҚОМУСИ ЭДИ

Ўзбек мусиқа маданиятини мақомларсиз тасаввур этиш қийин. Зеро, мақомлар миллий мусиқа маданиятимиз гултожидир. Бу дилтортар, кўнгилга яқин оҳанглар оламини ўрганиш, уни халққа етказиш ва авлодларга қолдириш йўлида хизмат қилган ва қилаётган алломалар, мусиқа намояндалари орасида Ўзбекистон халқ артисти, фолклоршунос олим, бастакор, ҳофиз ва созанда Юнус Ражабийнинг хизматлари беқиёсдир.

Машҳур санъаткор, аввало, ўзбек халқ мусиқа меросини тўплаш ва уларни нотага тушириб, чоп этишда улкан ишларни амалга оширди. 1935 йилдан халқ куйлари ва ашулаларини, мақомларини тўплай бошлаган. Ю. Ражабий нотага туширган 29та ашула ва қўшиқ 1939 йили Е. Романовская ва А. Акбаров тузган «Ўзбек халқ қўшиқлари» тўпламидан ўрин олди. 1935-1959 йилларда устознинг беш жилдлик «Ўзбек халқ музикаси»(И. Акбаров таҳririда) тўпламлари нашр этилди. Бу тўпламларга куй, ашула, Бухоро Шашмақоми, Тошкент — Фарғона мақом йўллари, катта ашулалар, Ҳамза қўшиқлари каби турли жанрдаги мингга яқин асарлар киритилган.

Бугун мумтоз қўшиқларимизни нафақат республикамизда, жаҳон миқёсида тарғиб этишга ҳам муносиб ҳисса қўшаётган «Мақомчилар» ансамблининг шаклланиши ва довруғ қозониши бевосита Юнус Ражабий номи билан боғлиқ. Шу ансамбл билан узоқ йиллик иш жараёнида катта ижодий режалар туғилиб, Шашмақомнинг 6 жилдлик нашри устида иш бошланди. Мазкур тўплам 1966-74 йиллар давомида Ф. Кароматов таҳрири остида босилиб чиқди.

Шунингдек, мазкур китобларга изоҳ берувчи «Музика меросимизга бир назар» асари мақомлар ва уларнинг ижро услубларини ўрганишда муҳим қўлланма сифатида катта аҳамиятга эга бўлди.

Юнус ота бастакор сифатида ҳам халқ орасида машҳур бўлиб кетган кўплаб куй-қўшиқлар яратди. «Шодлик», «Соғинганман», «Ёр келди», «Мен фидо», «Гулнор», «Офарин», «Ватан» каби оммабоп қўшиқлар, «Кошки», «Мунча ҳам», «Жудо», «Ҳажрингда», «Қадаҳ», «Куйгай», «Раъноланмасун» каби лирик ашулалар шулар жумласидандир. Бу қўшиқларни турли авлод хонандалари ҳамон севиб ижро этиб келмоқдалар.

Устоз Юнус Ражабий ниҳоятда серқирра ижодкор эди. Республикамизда мусиқали драма жанрининг шаклланиши ва равнақ топишида у кишининг хизматлари беқиёсдир. Илк бор устози Шораҳим Шоумаров билан ҳамкорликда 1922 йили «Фарҳод ва Ширин» достони асосидаги спектаклга куй басталаган бўлса, кейинчалик композитор Г. Мушел билан уни қайтадан ишлаб, маромига етказди. Бу мусиқали асар ҳам республикамизнинг кўпгина театрлари репертуаридан мустаҳкам ўрин олиб келмоқда. Бундан ташқари, «Лайли ва Мажнун», «Рустам», «Аваз», «Холисхон» спектакларига халқ қўшиқлари асосида куйлар басталади, Г. Мушел билан «Муқанна», О. Халилов билан «Нодира», З. Зейдман билан «Ўғил уйлантириш», С. Жалил билан «Навоий Астрободда» каби мусиқали драмалар яратди.

Юнус Ражабий фақат мусиқашунос, созанда, бастакор бўлиб қолмай, устозлари Ҳожиабдулазиз, Тўйчи ҳофиз ижрочилик услубларини ўзлаштирган, ўзига хос ижро йўналишига эга бўлган ажойиб хонанда ҳам эди. У кишининг репертуаридаги «Гиря», «Нолиш», «Кўча боғи», «Эшвой», «Курд», «Қаландари», «Шаҳнози гуллар», «Баёт», «Дугоҳи Ҳусайний», «Чоргоҳ», «Мискин», «Насруллоий» каби ашула ва куй туркумларини мухлислар ҳамон завқ билан тингламоқдалар. Шунингдек, устоз санъаткор кўпгина куйларни қайтадан тиклаб, халққа қайтарди.

Бир сўз билан айтганда, Юнус Ражабий ўзбек миллий мусиқа санъатининг ҳақиқий жонкуяри эди. У киши яхши мутахассис бўлиш билан бирга, қалби дарё, феъли кенг, том маънодаги чин инсон эди.

Юнус Ражабий санъаткор сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб, бир умрлик машаққатли меҳнатлари эвазига ўзига мусиқий ҳайкал ўрнатиб кетди. Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги арафасида Президент Ислом Каримов Фармони билан бир гуруҳ адабиёт ва санъат усталари қатори Юнус Ражабийга «Буюк хизматлари учун» орденининг берилиши улуғ санъаткорнинг юртимиз, халқимиз олдидаги улкан хизматларининг яна бир эътирофидир.

Г. УМАРОВА

БУЮК МЕҲНАТ КЕЗАР...

(Боши 1-бетда.)

куни, бинобарин у пешона тери билан яратган ҳар бир тийиннинг ҳам қадри баланд.

Хўжалик раиси, Муродулла Саидов билан пахтакор меҳнати ҳақида суҳбатлашиш ҳар қандай ижодкор учун ҳамиша мароқли ўтади. Чунки у рақамлар тили билан иқтисодий муаммолар ҳақида мушоҳада юритганда тасаввурингиз дарров аниқ манзаралар ҳосил этади. Мана унинг дангал ва рўй-рост айтган ҳисоб-китоблари:

- Хўжалигимизда 18 минг аҳоли истиқомат қилади, - дейди у. - Қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун ўн тўрт сўмдан иш ҳақи берилаётганини ҳисобга олсангиз пахта далаларини теримчи босиб кетиши, ҳатто "зангори кемалар"га ҳожат ҳам қолмаслиги мумкин. Бироқ бизнинг машина трактор паркимизда йигирмадан ортиқ терим машиналари, туман агротехҳизматида эса уч нафар юқори унум билан ишлайдиган "Кейс"лар эгарланган отдек шай турибди. Шунинг учун биз ўзимиз учун бир тадбир жорий этдик. Пахтани фақат тўққиз ой далада, ғўза пайкаллари орасида меҳнат қилган деҳқоннинг ўзи теради, ўз даласининг ҳосилини ўзи йиғиб-териб олади, дедик. Ҳамма бу фикримизга қўшилди. Сиз ана у пайкалларда кўрган теримчилар шу далаларнинг ўзида баҳору ёз жонини аямай меҳнат қилган, бунёдкорлик билан мана шундай баракали ҳосил яратган деҳқон қиз-жувонларимизнинг ўзидир.

Ғўза баргини ерда ишлайдиган техникалар воситасида атроф-муҳитга зиёни кам дефолиантлар билан тўкиш эса машина терининг сифати ва салмоғини оширибгина қолмай йиғим-терим учун кетадиган харажатларни бир неча баробарга қисқартириш, айни пайтда олтиндан ҳам қиммат вақтдан ютиш имконини бермоқда. Теримнинг энг қизғин вақтларида бой берилмаган фурсат эса миллион-миллион сўм демакдир. Пухта ўйланган ва изчиллик билан ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган мана шундай тадбирлар туфайли хўжалик ҳар йили пахта ва ғалладан катта даромад олмоқда. Ўтган йилги даромад 380 миллион сўм бўлган эди, бу йил эса 450 миллион сўмлик даромад олиш мўлжалланмоқда. Бир кеча-кундузда икки тонна сутни қайта ишлаб, 8-10 хил сут маҳсулотлари тайёрлайдиган Исроил технологияси асосидаги замонавий қўшма корхона мана шундай даромадлар ҳисобига барпо этилмоқда. Уни яқин ойлар ичида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Ширкатлар хўжалиги раҳбари яна бир мисолни ғурур билан айтди. Пайчилик асосида ишлаётган хўжалик 1997 йили етти миллион сўм, 1998 йилда 10,5 миллион сўм, ўтган йили эса 15,5 миллион сўм маблағини деҳқонларга пай улуши, иқтисодий атама билан айтганда эса, дивиденд сифатида тарқатибди. Иқтисодий асосни мустаҳкамлашда ижарачи деҳқонларнинг ҳам улуши катта бўлаётир. Фарҳод Рўзибоевнинг 45, Гулчеҳра Мўминованинг эса 40 гектар, майдони бор. Улар ҳар йили гектаридан 45-46 центнерга етказиб пахта ҳосили олишади. Бу йил ҳам улар карвоннинг олдинги сафида боришмоқда. Рашид Рўзиев бошлиқ бўлган ширкат эса 460 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ялпи 35 центнердан хирмон уймоқда. Собир Эрназаров 90 гектар, Тошпўлат Алиев 65 гектар майдондаги пахтасидан 42-43 центнердан ҳосил олишни режалаб туришибди. Икки теримнинг ўзидаёқ ўттиз центнердан ҳосил йиғиштириб олинади. Қашқадарёнинг иссиқ иқлимли шароитида эса деҳқонлар куз ойларининг ўзида ҳам ҳосилга ҳосил қўшиш йўлларини биладилар.

Ширкат хўжалиги меҳнатчилари куни кеча машина теримини ҳам кенг кўламда бошлаб юбордилар. «Жейнов» пахта тозалаш заводи раҳбари Дониёр Ҳамидовнинг телефон орқали хабар қилишича, «жейнов»ликлар ҳар куни йиллик режанинг беш-олти фоизи миқдорида ҳосил топширмоқдалар. Завод барча хўжаликлардан пайдарпай келиб турган «оқ олтин» карвонларини зудлик билан қабул қилиб олмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун нафақат биз ҳикоя қилган Қашқадарё далаларида, балки бепоён Ватанимизнинг серҳосил далаларида йиғим-терим ишлари айни авж паллада.

Ҳа, шоир айтмоқчи «Буюк меҳнат кезар шан далаларда». Ҳалол ризқ-рўзини пешона тери билан яратган заҳматкаш халқимиз мамлакат фаровонлигини, Ватан қудратини кун сайин кўкка бўй чўзаётган пахта хирмонларининг юксаклигида кўради. Аслида элимизнинг бахти ҳам, саодати ҳам шундадир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Султон ҲАЙИТБОЕВ

Республикамиз мусиқа маданияти оғир жудоликка учради. Ҳозирги замон ўзбек миллий мусиқа санъатининг йирик намояндаларидан бири, таниқли бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Султон Ҳайитбоев 75 ёшида вафот этди.

Султон Ҳайитбоев 1926 йил 5 майда Хоразм вилоятининг Янгариқ туманига қарашли жамоа хўжалигида деҳқон оиласида таваллуд топди. У ёшлигидан мусиқага ихлос қўйиб, бадиий тўгаракларда доира, най ва ғижжак чалишни ўзлаштириб олади. Ҳарбий аскарликда йигитлик бурчини ўтагандан сўнг, Султонда санъаткор-мусиқачи бўлиш истаги кучаяди. Иқтидорли ҳаваскор-созанда 1950 йили Тошкентга келиб, Ҳамза номидаги пойтахт мусиқа билим юртига ўқишга киради. Бу ерда у композиторлардан Б.Гиенко ва С.Бобоевдан сабоқ ола бошлайди. Сўнгра Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факултетида Б.Надеждин синфида ўқишни давом эттиради. Ўқишни муваффақиятли тугаллагач, С.Ҳайитбоев аспирантурада А.Козловский раҳбарлигида ижодкорлик малакасини оширади.

Ижодкор сифатида меҳнат фаолиятини С.Ҳайитбоев асосан концерт жамоаларида, ўқув юртларида олиб борди. 1975 йилдан А.Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институтида, айни пайтгача М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида бўлажак мусиқачиларга устозлик қилиб келди.

Дилкаш бастакорнинг «Ўзбекистон гуллари», «Ўзбекистон сўзлагай», «Ватан севгиси», «Эй ёр, хуш келибсиз», «Хаёл», «Ўтмасмикан», «Ўргилайин ёр бўйидан», «Эй соҳиби дил», «Биз Темур авлодимиз» каби машҳур қўшиқлари ўнлаб хонандаларнинг ижро дастурларидан ўрин олиб, ўзбек миллий қўшиқчилигини янада бойитишга хизмат қилиб келмоқда. Шунингдек, С.Ҳайитбоев жами 20га яқин мусиқали драма ва комедияларга, телеспектакларга куй, қўшиқлар басталади. Унинг машҳур бастакор К.Жабборов билан ҳамкорликда яратишган «Нодира» мусиқали драмаси (Х.Раззоқов асари) эса мумтоз асарлар қаторида ўрин олган.

Мустақиллик йиллари С.Ҳайитбоев ижодий фаоллик кўрсатди. Унинг Ҳусайн Бойқаро ғазалларига басталаган ашулалари, Э.Самандар, Ж.Жабборов, Б.Бойқобилов каби замондош шоирларнинг шеърларига ёзган замонавий қўшиқлари эл-юртга маълум ва машҳур.

Султон Ҳайитбоевнинг фидойилиги, меҳнатсеварлиги, ёшларга устозларча меҳрибонлиги ва талабчанлиги барча санъаткорларга, муаллимларга ибрат бўлиб келган. Ўзбекистоннинг замонавий миллий мусиқа санъати ҳамда мусиқа таълими равнақига муносиб ҳисса қўшган ажойиб ижодкор, самимий инсон Султон Ҳайитбоевнинг хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси

САДОҚАТ

Икки оғиз дил сўзи

Қаердадир ўқигандим: «Таржимаи ҳол» инсонни эмас, инсон ўз «Таржимаи ҳол»ини яратиши керак» экан.

Таниқли режиссёр Рустам Қурбонов ҳақида гап кетганда, ҳар safар ана ўша ҳикмат хаёлимга келади. У давлат Санъат институтини битириб Ўзбекистон Радиосига ишга келди ва радиорежиссура соҳасига қўл урди. Устоз санъаткор Неъмат Дўстҳўжаев этагидан тутди, тажрибали радиорежиссёр Нишон Ғайбуллаев ва машҳур овоз режиссёри Набижон Ҳасановлардан сабоқ олди...

...ва орадан йиллар ўтиб ўзи ҳам моҳир радиорежиссёрлар safидан ўрин эгаллади. Тўғрироғи, ўз «Таржимаи ҳол»ида янги бир саҳифа очди. Режиссёр сифатида «радио тили»га ўгирган ўнлаб радиоинсценировка ва радиоспектакллари эса унинг номини элга танитди. Бу ўринда Рустам Қурбонов томонидан «Радиотеатр»да муваффақият билан қўйилган қатор асарларни келтириш мумкин.

Ж. Лондон «Сейзер хоним», А. Чехов «Олтинчи палата», F. Ғулом «Менинг ўғригина болам», «Ҳасан Қайфий», К. Паустовский «Олтин гул», М. Бойжиев «Биз — эркаклар», А. Вампилов «Хайрлашувлар ойи», В. Распутин «Рудолфио», Ў. Ҳошимов «Оқ булут, оппоқ булут», Х. Тўхтабоев «Намоз ўғри», Х. Султонов «Раъно гулининг суви»...

Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Ўзбек халқ достони «Кунтуғмиш» асосида яратилган радиоспектакли атрофида эса кўп яхши гаплар бўлди. А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи асосида тайёрлаган 17 қисмли радиофилми бўлса, машҳур асарнинг «ўзига хос талқини» дея эътироф этилди...

Ҳамза Умаров ва Обид Юнусов, Ёқуб Аҳмедов ва Ойдин Норбоева, Ҳожиакбар Нурматов ва Афзал Рафиқов, Эркин Комилов ва Мукамбар Раҳимова сингари «микрофонни забт этган» санъаткорлар, Қодир Мақсумов, Туйғуной Юнусхўжаева ва Темурмалик Юнусов сингари забардаст бадиий сўз усталари билан тенгма-тенг ишлаш Р. Қурбонов учун қанчалар шарафли ва масъулиятли эканлигини ҳис қилиш мумкин.

Радиорежиссёрдан энг асосийси ҳар бир сўзнинг қути, ранги ва оҳангини чуқур ҳис қилабилиш, микрофон қаршисида ўзига хос «ансамбл» ташкил эта олиш иқтидори талаб этилади. Рустам Қурбонов ана шу талабларга жавоб бераолган, энг муҳими, нозик диди, самимиятини ҳамда қалб қўрини радиоасарларга ҳам сингдираолган санъаткор сифатида ҳурмат қозонди. Йиллар ўтиб унинг ҳаётида яна янги бир саҳифа очилди. У эндиликда Ўзбекистон телевидениеси «Дубляж студияси»нинг режиссёри сифатида қатор бадиий филмларнинг ўзбек тилига ўгирилишига ҳисса қўшди. «Телевизион миниатюралар театри» режиссёри сифатида эса истеъдодининг янгидан-янги қирраларини намойиш эта бошлади.

«Кулиш осон, кулдириш қийин» деган гап бежиз айтилмаган. Айниқса, ҳозирги — ҳажвий асарларга талаб янада ошган бир пайтда-ку, инчунин! Аммо Рустам Қурбонов ўз кўрсатувлари орқали халқимизга яхши кайфият бағишлаш билан баробар, бу соҳанинг ривожига ҳам баракали ҳисса қўшиб келяпти.

Санъатга катта муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб келаётган ҳамкасбимизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ижодий муваффақиятлар тилаш билан бирга, «Таржимаи ҳол»ини, янада мазмунли саҳифалар билан бойитишини истаб қоламиз!

Эркин УСМОНОВ

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН САҲРОДА»

Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги олдидан

Лайли ва Мажнуннинг фожеий муҳаббати ҳақидаги қадимий араб афсонаси бу севги тарихи ҳақида достонлар битган Низомий, Деҳлавий, Навоий, Фузулий, Жомий каби мумтоз шоирларнинг беназир маҳорати туфайли Шарқ оламида катта шуҳрат қозонди.

Шубҳасиз, бу достон буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод назаридан четда қолмаган. Унинг Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» достонига ишлаган «Лайли ва Мажнун саҳрода» деб номланган миниатюраси шу асар билан биргаликда Санкт-Петербургдаги Давлат миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Достоннинг деярли барча нусхаларида ҳар икки томоннинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олмай, зўрлик йўли билан амалга оширилган никоҳ фожеага олиб келиши муқаррарлиги ҳақидаги муҳим ижтимоий аҳамиятга молик масала кўтарилган. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бирида инсонда юксак олижаноб хислатларни тарбиялаш йўли билан жамиятда инсонпарварликни барқарор этиш, инсонни маънавий юксакликларга кўтариш каби фазилатларни ўзига сингдирган сўфийлик ғоялари маълум маънода ўз аксини топган. Мажнуннинг севгиси шунчалар буюкки, ана шу илоҳий муҳаббат туфайли у барча ҳаётий манфаатлардан, бойликдан, ҳокимиятдан воз кечади. Севги Мажнунда камтарлик, сабр-тоқат, матонат каби хислатларни яна да барқарор этади.

Беҳзод миниатюрасининг сюжети қуйидагича: Лайлининг ота-онасидан қатъий рад жавобини эшитган Мажнун саҳрога, тоғу тошларга йўл олади. Мажнунни тушида кўрган Лайли унинг висолини излаб, туяда саҳро томон йўл олади. Ўз севгилисини саҳрода, ёввойи ҳайвонлар қуршовида ўтирган ҳолатда учратади. Бу саҳнада чуқур ички маъно яширинган. Яъни бу кўриниш сўфийлик талаблари ва тариқати шартларининг айни ифодасидир: Мажнун жамиятдан чекинди, барча фоний дунё лаззатларидан — озиқ-овқат, уй-жой, кийим-кечакдан, шаҳвоний ҳирслардан озод бўлди, тақдирнинг барча синовлари олдида бош эгди. Одам яшамайдиган тақир саҳро «ҳаёт ва ўлим оралиғи», «қуриб бораётган ҳаёт» рамзидир. Мусаввир Мажнунни ярим ялонғоч, ҳолсиз, бошини эгиб ўтирган Лайлининг тиззасига бош қўйиб ётган ҳолда тасвир этади. Мажнун белбоғининг кўк ранги сўфийликда осмон рангини, тагига етиб бўлмайдиган сир-асрорни, хавф-хатар ва ташвиш маъносини бериш билан бирга, инсондаги юксак маънавият, сабр-тоқат ва матонат рамзи ҳам ҳисобланади. Бутун атроф-муҳит севишганлар муҳаббатини қўриқлаётгандек, улар билан бирга ғам-аламга чўмган. Бу кўринишда Мажнуннинг аллақачон бу дунё лаззатларидан воз кечиб, маънавий-руҳий олам қучоғида яшаётгани тасвирланган. Унинг бу янги ҳолати икки қарама-қарши гуруҳдаги жонзотларнинг атрофига тўпланиши орқали ҳам акс эттирилади. Мажнун атрофида гўзаллик ва муҳаббат рамзи оҳуни, руҳ рамзи шерни, шаҳвоний қалб рамзи бўрини, ақл(баъзида айёрлик) рамзи тулкини кўрамиз. Улардан сал нарида соф мусулмонлик ва ёлғизлик рамзи бўлган якка ўрдак сузиб юрибди. Сувга чўккан Туя сўфийнинг муқаддас билимлари тарқатувчиси рамзи сифатида тасвирланади. Мажнуннинг ҳайвонлар билан мулоқоти янгича дунёқарашни илгари суради. Яъни инсон ва ҳайвонлар орасидаги яшаш учун кураш тушунчасига барҳам бериш лозим, инсон уларни кичик биродарлари каби қабул қилиши керак, деган ғоя илгари сурилади.

Миниатюраларда ҳаёт ҳамиша ёрқин, шўх рангларда акс эттирилган. Бу миниатюрада эса мусаввир кўпроқ рангсиз, оқиш-кўк тусларни ишлатиб, қаҳрамонларининг турмуш ташвишларидан, ердаги икир-чикирлардан йироқ эканига ишора қилади. Мажнуннинг бедармон, бемадор кўриниши, озиб-тўзган танаси ва паришон ҳолати ҳам шундан далолат беради. Фақат Лайлининг қизил либоси Илоҳий муҳаббат ҳолатига кўтарилганига ишора бўлиб, достоннинг фожеий якуни яқин эканини билдиради.

Шундай қилиб, Беҳзод ўз даври қарашлари доирасида фикр юритиб, ўзига маълум бўлган мутасаввуфлик унсурлари сингдирилган бадиий воситалар ва ғояларидан фойдаланган ҳолда, икки ёш ниҳолнинг ўлимига сабаб бўлган воқе–ликни бор фожеаси ва ноҳақликлари билан томошабинга етказишга ҳаракат қилади.

Севишганларнинг фожеий ҳолатларига гўё тирик гувоҳ бўлиб, ҳамдардлик билдириб турган атроф-манзаранинг кенг тасвири, бўёқлардаги оқиш-кўк туслар муҳаббатнинг қудрати муқаддаслигига умумбашарий оҳанг бағишлайди.

Элмира ИСМОИЛОВА, тарих фанлари доктори

— Ассалому алайкум, Нормурод ака! Ватанимиз мустақиллигининг 9 йиллиги байрами арафасида «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлдингиз. Газетамизнинг кўпсонли ўқувчилари номидан сизни унвон билан кутлаймиз.

— Раҳмат!

Мени юксак унвонга лозим кўришганини ва ушбу муборак унвоннинг менга насиб этишини, аввало, камтарона ижодимга берилган баҳо деб биламан. Ўзи тарбиялаб, ижод оламига олиб кирган адабиётимизнинг, санъатимизнинг менга кўрсатган марҳаматидир — бу.

Инсон ҳалол меҳнат қилса, сидқидилдан эл хизматида бўлса, унинг меҳнати бир куни албатта қадрланишига ишонаман. Мен иккита сўзни — «қадр» ва «меҳр» сўзларини ҳамиша такрорлаб юраман. Назаримда, инсон ҳаётининг мезони мана шу икки сўз ифодалаган мазмундадир. Тарозининг бир палласида меҳр турса, иккинчи палласида қадр туради. Виждон эса ўша адолат тарозусининг посонгисидир.

Биласизми, дорбоз нима учун йиқилмайди? Ҳа, у лангар билан мувозанатни сақлайди. Хўш, инсон-чи? Инсон ҳаётда ўз мувозанатини қандай сақлайди? Инсон ҳар бир босган қадамида виждонни лангардек тутса, у ҳеч қачон йўлдан қоқилмайди. Ҳалоллик, поклик ҳар бир инсоннинг умр мезони бўлиб қолса қанийди. Дастурхонда нон синдирмоққа, давранинг тўрида ўтирмоққа, минбарга чиқиб сўз айтмоққа ҳар кишининг маънавий ҳаққи бўлиши керак. Мен ана шундай маънавий ҳақ-ҳуқуқи бўлган одамларни чин юракдан севаман ва уларни кўзим қароғида, қалбим ардоғида асрайман. Мен ана шу туйғуларимни, ўйларимни шеърларимда, қўшиқларимда имкон қадар куйлаш бахтига муяссар бўлганимдан хушбахтман.

«Халқ шоири» фахрий унвони орқали менга ишонч билдирилди. Бу ишончни халққа манзур бўладиган асарлар битиш билан оқлаш лозимлиги масъулияти зиммамда эканини бир зум ҳам унутмайман. Айни пайтда ўзимнинг халқдан ҳамиша қарздорлигимни, бурчдорлигимни янада чуқур ҳис этмоқдаман...

— Нормурод ака, сизнинг «Оқ саманим» деган китобингиз чоп этилган. Ўша оқ саманингизнинг тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

— Отам 40 йил отдан тушмай улоқ чопиб ўтганлар. Бешкент, Косон, Касби, Нишон, Муборак, Баҳористон атрофидаги одамлар отамни Нарзулло бобо деб эҳтиром қилишарди. Гарчи отам вафот этган бўлса ҳам, ҳовлимиздан ҳозирга қадар отнинг туёғи узилган эмас.

Отамнинг ўгитлари эса ҳамон қулоғимда. Кимки отга яқин бўлса, у фаришта яқин бўлади. Чунки отнинг қанотида девлар бор, фаришталар бор.

Отам вафот этганларида мен ҳовлида фотиҳа қабул қилар эдим. Бошимни эгиб, мунғайиб ўтирганимда отимизнинг оқ тойчоғи келиб, менинг кийимларимни искаб, бошини елкаларимга, кўракларимга суйкаганида кўзларимга иссиқ ёш қуйилди. Шу воқеа сабаб бўлиб «Оқ саманим» деган шеър ёзганман. «Оқ саманим» номли китобимни отамга бағишлаганман. Ўшандан буён ўша оқ саман менинг ёнимдан кетган эмас. У менинг ҳаётимга шеър бўлиб кириб келди...

— Ижодингизнинг салмоқли қисмини қўшиқчилик санъатига бағишлагансиз. Бунинг сабаби нимада?

— Мен ўзимни қўшиксиз тасаввур эта олмайман. Қуйқўшиқсиз жонсизга ўхшаб қоламан-да, қўшиқ бу — ҳаёт...

Эҳтимол, халқ ичида кўп бўлганимданми, халқ оғзаки ижоди намуналарини бирмунча ўзлаштирганимданми, қўшиқларим ўйноқи, халқчил ва ҳаётий. Мен шу ўринда устозларим — Миртемирни, Туроб Тўлани, Шуҳратни чуқур эҳтиром билан эслайман. Чунки бу устозлардан кўп нарсани ўрганганман. Илк қўшиқларим шу устозларнинг назаридан ўтган. Агар мен шу давр ичида бирмунча тилга тушган бўлсам, бунинг учун устозларим қатори машҳур ва таниқли хонандалардан, ёш ижрочилардан миннатдорман.

Президентимиз айтганларидек, вақт ўтаверади, даврлар келиб-кетаверади, Ватан абадийдир. Шу Ватанни, шу юртни севиш, уни жўшиб куйлаш буюк бахтдир. Ана шундай саодат бир қаламкаш сифатида менга ҳам насиб этганидан мамнунман. Сизга яхши маълум, ҳадиси шарифда: «Сўзда сеҳр бор, шеърда ҳикмат», — дейилган. Сўз, калом, қалам, соз, овоз — булар бир-бирини тўлдирувчи илоҳий ҳодисалардир.

— Сизни бугун нималар ўйлатади? Кўнглингизда қандай армоларингиз бор?

— Қўшиқ ёзадиган, қўшиқнавис шоирларга баъзилар ўта сўлларча муносабатда бўладилар. Айниқса, зиёлиларнинг ичида ҳам шундай кимсалар борлигини ҳеч ҳазм қила олмайман. Улар ўзи қўшиқ эшитади, маза қилиб завқланади. Лекин қўшиқнавис ижодкорларга шоир сифатида қарамайди. Бу нотўғри-да, ахир. Битта яхши қанотли қўшиқ катта достоннинг кучига эга бўлади. Яхши қўшиқни ҳамма тинглайди, ҳатто жўр бўлади. Тўйда ҳам, азада ҳам қўшиқ айтилади. У инсоннинг ички туйғуларини ифода қилади.

Минг шукурки, халқимиз жўр бўладиган, қўшилиб айтадиган қўшиқлар анчагина. «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Юрт ишқида ёнаман», «Ўзингдан қўймасин, халқим...», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон», «Дунё»... Миллий ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотадиган бу қўшиқларни ҳамма севади. Мен уларни шоир, бастакор ва хонанда ижодий ҳамкорлигининг энг яхши намуналари сифатида юксак қадрлайман...

Энг муҳими, кўнгилни йўқотмайлик, кўнгилни топайлик. Зотан:

Кўнгиллардан бошланар Ватан,
Севиб, кучгил, яйрагил, кулгил.
Бағишласа ўзин жону тан,
Ватан бўлиб қолади кўнгил!

— Нормурод ака, сизнинг бир оқсоқол шоир сифатида ёшлар ижодига муносабатингиз қандай? Уларга қандай тилакларингиз бор?

— Адабиётимизга янги ирмоқлар келиб қўшилаяпти. Уларнинг ўз овози, сўзи ва дастхатига эгалиги мени хурсанд қилади. Ёшларимизнинг насрий ва шеърий асарларига хос хусусият шуки, улар умуминсоний туйғуларни ифодалашга, қандайдир мавҳум мавзуларни эмас, халқнинг дарду ташвишларини рангбаранг оҳанглар ва ранглар воситасида тасвирлашга ҳаракат қилмоқдалар. Айни пайтда адабиётимизнинг азалий анъаналарига содиқ қолишга интилмоқдалар.

Хизмат бурчим тақозоси билан кўп йиллардан буён ёш истеъдодларнинг асарларини чоп этиш билан шуғулланаман. Шу иш жараёнида мен уларнинг китобларини қайта-қайталаб ўқиганман, танишганман, таҳрир қилганман. Айтмоқчиманки, мен уларнинг нозик туйғуларига яқинман.

Яқинда устозимиз Иззат Султон билан учрашганимда у киши ёшлар ижоди ҳақида бир гапни айтиб қолдилар: «Ёшларимизда шеърий тафаккур етишмайди...». Мен ҳам у кишининг фикрларини маъқулладим. Устознинг бу гаплари шуни кўрсатадики, ёшларимиз ижодини оқсоқол адибларимиз ҳам кузатиб турибди. Демак, улар ёш дўстларимизнинг ижодий камолотига умид билан қарамоқдалар. Буни ёшларимиз ҳеч қачон унутмасликларини истардим...

Суҳбатдош: Рустам МУСУРМОН

Янги нашр



Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари яна бир янги нашр — Республика Фавқулодда Вазиятлар вазирлигининг «Фуқаро муҳофазаси» («Гражданская защита») журнали билан бойиди. Истиқлолнинг 9 йиллиги байрами арафасида журналнинг 1-сони ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқди.

Журнал муқовасида Ўзбекистон байроғини кўтариб турган Фавқулодда Вазиятлар вазирлиги халоскори сурати тасвирланган. Ички муқовада Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатда хавфсизликни таъминлашнинг шарафли, айни пайтда масъулиятли бурч эканлиги ҳақидаги қимматли фикрлари келтирилган.

Журнал «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам ўзбек ва рус тилларида эълон қилинган.

«Фуқаро муҳофазаси» («Гражданская защита») журналининг чоп этилгани давр талаби бўлиб, вазирлик фаолиятини мунтазам ёритиб борадиган кўзгу бўлиб қолишига умид қиламиз.

«ЎН САККИЗ МИНГ ОЛАМ» АСРОРИ

(Боши 1-бетда.)

муддао инкишофи учун хизмат қиладиган минглаб поэтик образ, ибора ва атамалар билан бир қаторда фалсафа, астрономия, табиатшунослиқ, мифология ва космогонияга дахлдор кўплаб истилоҳлар ҳам мавжудки, уларнинг моҳиятига етмай туриб муайян матн замиридаги асосий жавҳар — ғоявий-бадиий муддаони идрок этиш мумкин эмас.

Илмий, фалсафий, мифологик образ ва тамсилларнинг барқарор-анъанавий поэтик образларга нисбатан ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Поэтик образлар узоқ адабий тажрибалар жараёнида шаклланган барқарор моҳиятга эга бўлиб, муайян даражада рамзий хусусият касб этган. Бинобарин, улар муайян бир ижодкор ва асар доирасида ўзининг ана шу рамзий моҳияти билан боғлиқ ҳолда турлича вазифани ўташлари мумкин. Илмий, мифологик тимсол ва иборалар ҳам бадиий восита сифатида хизмат қилади, албатта. Лекин уларда рамзийликка нисбатан туб маъно ва тасаввур(диний, илмий, фалсафий, мифологик) асосий ўрин тутади. Бошқача айтганда, булар поэтик тасвир учун хизмат қилувчи, аммо рамзий поэтик образ бўлмаган воситалардир(масалан, «тўрт мазҳаб», «етти ато», «тўрт ано», «олти жиҳат», «олами кабир», «олами сағир», «етмиш икки миллат» ва ҳоказо).

«Ўн саккиз минг олам» ибораси ҳам ана шундай ибора-атамалар жумласига киради. Юзаки қараганда, бу ибора мумтоз адабиётимиз учун хос бўлган бадиий тасвир — ўта муболаға(иғроқ ва ғулувв)лардан биридек туюлади. Лекин ўз-ўзидан шундай савол туғилиши табиий: нима учун муболаға сифатида анъанага айланиб кетган рақам ўн, йигирма, ўттиз ёки юз минг эмас-да, «ўн саккиз минг»? Ахир, бундан кучлироқ муболағалар(юз минг, лаклак) кам эмас-ку?! Агар бу иборанинг замирида бирор тарихий моҳият ётмай, баъзи-бир талқинчилар айтганларидек, тасодифан олинган ибора бўлса, нима учун бир эмас, балки бир-биридан давр, фалсафий ва бадиий концепция жиҳатидан мутлақо йироқ бўлган машҳур шоирлар ижодида айнан такрорланган?

Ҳамма гап шундаки, халқ оғзида ҳам машҳур бу ибора Аҳмад Яссавий (XI—XII асрлар), Рабғўзий(XIII аср), Имодиддин Насимий(XIV—XV асрлар), Сўфи Оллоёр(XVI аср) асарларида ҳам ишлатилган. Лекин бирорта махсус луғатда бунга изоҳ берилмаган. Масалан, озарбойжон олими Жаҳонгир Қаҳрамоновнинг «Насимий девонининг лексикаси»-(Боку, 1970) номли асарида «ўн»дан ясалган сонлар (ўн бир, ўн беш, ўн тўққиз) борасида сўз юритилганда Насимий девонидан «ўн сакиз бинг оламинг ойинасидур суратинг» мисраси келтирилади, аммо у ҳақда ҳеч қандай изоҳ берилмайди.

Навоий асарлари учун тузилган қадимий ва замонавий луғатларда ҳам бу ибора тилга олинмаган. Ваҳоланки, олам ҳақидаги таълимотлар тарихига назар ташланса, мазкур ибора жуда қадимда юзага келган тасаввурлар инъикосидан иборат бўлиб, мифологик(космогония) ва фалсафий заминга эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Маълумки, олам ҳақидаги қарашлар(космогония) учта йўналишга эга:

1. Оламнинг пайдо бўлиши, унинг тузилиши масаласи. Бу мавзу бутун дунё мифологияси ҳамда динларида муҳим ўрин тутади.

2. Олам ва оламлар, яъни оламларнинг кўплиги — чексизлиги муаммоси.

3. Олам ва Одам ёки мусулмон Шарқи файласуфлари ибораси билан айтганда, Олами кабир(макрокосмос — офоқ) ва олами сағир (микрокосмос — анфус) мавзуи.

Биз сўз юритаётган ибора дахлдор бўлган иккинчи проблема ниҳоятда принципиал, аммо нисбатан ёш бўлиб, тахминан икки ярим мингйиллик тарихга эга. Зотан, оламларнинг кўплиги проблематикасида маданият ва фан, адабиёт ва санъат, асотир ва шеърият, фалсафа ва дин, ахлоқ ва эстетиканинг турли қирралари бирлашади(В.П.Визгин. «Идея множественности миров», «Наука», М., 1988, стр.3).

Оламларнинг кўплиги масаласи қадимги юнон файласуфи, атомистика ва диалектиканинг асосчиси Демокритдан бошланади. Бу масала икки ярим минг йил давомида унинг тарафдорлари-(неоплатониклар, Беруний, Ибн Сино, Николай Кузаний(XV аср), Бруно, Кант,илмий космогония асосчиси Коперникдан Нютонгача) томонидан хилма-хил йўналишларда талқин этилди.

«Ўн саккиз минг олам» тушунчаси мазкур масалага дахлдор, аммо чегаралаш, аниқлик нуқтаи назаридан мавжуд қарашлардан фарқ қилади. Зотан, ҳар бир тушунчани иложи борича конкретлаштириш, макон ва замонда чегаралашга интилиш Шарқ тафаккури учун хос хусусиятдир.

Биз бу масала тарихига алоқадор илмий асарларда ўн саккиз минг тушунчасига доир бирор ишорани учратмадик. Бу ҳол, биринчи навбатда, мусулмон Шарқи тафаккури тарихининг(Қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой мустасно) узоқ вақт эътибордан четда қолиб келаётганлиги билан изоҳланади. Чунки «ўн саккиз» ёки «ўн саккиз минг олам» ибораси фақат бадиий адабиётда эмас, балки ўрта асрларда араб ва форс тилида(айримлари XIX асрда ўзбек тилига таржима қилинган) ёзилган фалсафа-тасаввуфга доир асарларда ҳам тилга олинган ва изоҳланган. Ана шу асарлардаги айрим ишоралардан («бир ривоятда», «бошқа ривоятда») мазкур тушунчанинг узоқ тарихга эга эканлигини идрок этиш мумкин. «Ўн саккиз минг» тушунчаси, бир жиҳатдан, оламнинг яхлит ва ягоналиги ҳақидаги тасаввур тарафдори бўлган Платон ва Аристотелнинг олам гармонияси ҳақидаги концепциясига мос келади(ўн саккиз тўртга қолдиқсиз бўлинади, оламнинг тўрт ғомони ва ҳоказо).

Иккинчи жиҳатдан эса, рақамларнинг рамзий моҳияти ҳақидаги асотирлар билан(уч, етти, тўққиз...) алоқадордек туюлади. Лекин мифология тарихидан буни тасдиқлайдиган маълумот топа олмадик. Шунга қарамай, ҳозирча бу ҳақда узил-кесил хулоса чиқармаслик лозим деб ўйлаймиз. Чунки Шарқнинг генетик(антропологик, тил, дин) жиҳатидан бир-биридан узоқ, аммо маконан(территория) яқин бўлган иккита минтақа халқлари мифлари орасида 18000 рақами учрайди. Бири - қадимги Хитой мифологиясида. Коинотнинг пайдо бўлиши биринчи жонзот(ёки аждод — первопредок) Пангу билан боғланади. Унинг бўшлиқдан тухум сифатида пайдо бўлиб, ўзининг дастлабки қиёфасини касб этганига қадар ўн саккиз минг йил ўтади. Яна шунча муддат ўтгач, у улкан жонзотга(боши ёлли аждар, гавдаси илон) айланади: осмон ҳам ердан жуда узоқлашиб кетади(В.В.Евсюков. «Мифология китайского неолита», «Наука» Новосибирск, 1988, стр.38, Шу муаллиф. «Мифы о вселенной», «Наука», Новосибирск, 1988, стр.87).

Иккинчиси, Карл Йеттмарнинг «Религии Гиндукуша»(М.,1986, стр.55) асарида қайд этилишича, Шимолий кофиристонликларнинг 18 минг худоси бор экан.

Шу рақам билан боғлиқ яна бир маълумот Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки ажам» номли асарида учрайди: «Хисрави Парвиз бинни Ҳурмуз... Яна минг қилода(бош) пили бор эрди... Ўн секиз минг от тавиласида(отхонасида) парвариш топар эрдики, тўрт минги ўзининг жанибати сафарда эрдики, эҳтиётан олиб юриладиган эрди. Ўн икки минг оқ теваси бор эрдики, туркий дерлар».

«Ўн саккиз минг олам»(форсий — «ҳаждаҳ ҳазор олам») ибораси ўрта асрларда ёзилган баъзи фалсафий асарлар ҳамда луғатларда ҳам тилга олинган. Мазкур адибларнинг айримлари XV—XVIII асрларга мансублиги ва уларнинг бошқа асарлар асосида ёзилганини эътиборга олсак, бу тасаввурнинг илдизи қадимий эканлигига ишонч ҳосил бўлади.

Шайх Нажмиддин Кубронинг шогирдларидан бўлмиш Шайх Нажмиддин Розий(XII аср охирларида Ҳамадонда туғилиб, XIII асрнинг биринчи ярмида Румда оламдан ўтган)нинг «Мирсод ул-уббод» — «Обидлар йўли»(1221 йилдан кейин ёзилган) асарида олам ҳақида махсус боб мавжуд. Бу асарда Олами кабир(улуғ олам)нинг таркиби, хусусиятлари(олами ғайб ва олами шаҳодат ёки олами мулк ва олами малакут, олами жабарут), Олами сағир(кичик олам, яъни инсон) билан муносабати батафсил изоҳланади. «Билмак керакки, олами арвоҳ(руҳлар)нинг ибтидосидин то олами ажсом(жисмлар)нинг интиҳосиға Худованди Таоло мухталиф оламлар яратди: олами руҳоний ва олами жисмоний ва яна охират ва мулк ва малакут ва ҳар оламда махлуқотдин бир навъни яратти. Руҳонию жисмонию ҳар навъдин мухталиф тоифалар яратти ва ҳар бирида бир хосият, масалан, фаришталар чандин навъ(ҳисобига етиб бўлмайди)...»

Шундан сўнг «мухталиф(хилма-хил) оламлар - жинлар, шайтонлар, ҳурлар, ғилмонлар» ва «яна анвоъи мухталиф наботот(ўсимликлар), жамодод-(минераллар, жонсиз табиат)» ва «коинот» ҳақида-(коинотдаги беҳад ашёлар — заррадан сайёраларгача) батафсил маълумот бериб ёзади: «Аммо жамъи оламнинг ададини баъзи ривоятларда ўн саккиз минг дебдурлар ва яна бир ривоятда етмиш минг олам ва яна бир ривоятда уч юз олтмиш минг олам ва лекин икки оламда мундариж(жамулжам)дурким, олами халқ(яратилган) ва олами амр ва мулк ва малакут ҳам дерлар...»

Муаллиф кичик олам(инсон)га хос ҳислар-(ўнта)ни ҳам коинотдаги оламлар қаторида санайди. Демак, бу ерда «олам» сўзини ҳар доим коинот маъносида эмас, балки кенгроқ(мавжуд ашёларнинг ҳар бири чексиз хилма-хилликка эга эканлиги) маънода тушунмоқ керак. Зеро, Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-ҳақойиқ»(«Ҳақиқатлар қаймоғи») асаридаги қуйидаги изоҳи ҳам ана шу фикрни тасдиқлайди: «Билгилки, олам зот ва сифатларнинг исмларидан иборатдир. Зот(жавҳар) ва сифатларни жамлаб олам, дейдилар ва зот билан сифатларнинг ҳар бирининг кўринуши қисмлари ҳам олам, деб номланади. Олам ўзининг аввалида икки қисмдан иборат: биринчи қисмини олами ғайб(яширин олам), иккинчи қисмини олами шуҳуд(кўринадиган олам), деб айтадилар. Бу ҳар икки оламни миқдорий ва куллий(умумий, яхлит) маъноларда турли номлар билан тилга оладилар. Масалан: холиқият олами ва амр олами, мулк олами ва малакут олами, жисм олами ва рух(жон) олами, ҳислар олами ва шуур олами, нур олами ва соя(зулмат) олами ва шу кабилар»(«Зубдат ул-ҳақойиқ», Тошкент, «Камалак», 1965, Н.Комилов таржимаси).

Сайидали Ҳамадонийнинг «Хилофат ул-маноқиб»ида ҳам етмиш минг олам деб қайд этилган.

Абул Фазоил Муҳаммад бинни Ҳусайн Муъйиний(584/1188-89)нинг «Басоир фийл вужуҳ ва назоир»(«Қуръон»га изоҳли луғат») асаридаги шарҳ асосида олам симметрияси(мутаносиблиги) ҳақидаги қарашлар ётганга ўхшайди: унингча, оламнинг тўрт томонида (Шарқ,Ғарб, Шимол, Жануб) 4500тадан оламлар мавжуд бўлиб, жамъи ўн саккиз мингдан иборат.

Оламларнинг сони ўн саккиз минг эмас, балки ўн сакизта деб изоҳланган асарлар ҳам мавжуд. Масалан, Абдуллатиф бинни Абдулло (XVII аср, Ҳиндистон) қаламига мансуб «Латоиф ул-луғат»да: «Аҳлия ва нурия ва руҳия ва нафсия ва табъия ва жисмия ва унсурия ва мисолия ва хаёлия ва барзихия(аъроф, маймун, туяқуш) ва Ҳиршия ва жинония ва жаҳаннамия ва аърофия ва руъятия ва сувария ва жамолия ва камолия»(18та).

Яна бошқа бир манбаъда: олами уқул, олами арвоҳ ва тўққизта афлок(осмон), 4 аносир(ўт, сув, туфроқ, ҳаво)олами, 3 маволид(маъданот, наботот, ҳайвонот) олами — жамъи 18та(«Ғиёс ул-луғат»,, II жилд, Душанбе, «Адиб», 1988, 384-бет).

Охирги тавсиф, асосан, инсондан ташқари Олами кабир(катта олам) билан чегараланган.

Мавжуд манбаълар «ўн саккиз минг олам» ибораси туркий шеъриятга ўн иккинчи асрлардаёқ киириб келганлигидан далолат қилади («Ҳикматлар»да). Ўз-ўзидан устод Навоийнинг мазкур анъанавий иборага ижодий муносабати қандай бўлган деган савол туғилиши табиий. Чунки ҳар қандай анъанавий бадиий унсур муайян сўз санъаткори ижодхонасида ўзига хос вазифани адо этиши мумкин. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, мазкур ибора — поэтик тил унсури(детали) эмас, балки аниқ мазмунга эга анъанавий ибора. Унинг пайдо бўлиши диний-мифологик тасаввурлар билан боғлиқ. Унинг янгича моҳият касб этиши ҳар бир ижодкорнинг фалсафий позицияси ва ғоявий муддаоси билан бевосита алоқадор. Мазкур иборани ҳам икки хил йўналишда — оламнинг пайдо бўлиши борасидаги диний тасаввурлар билан ёки тасаввуф фалсафаси билан боғлиқ ҳолда талқин этиш имконияти мавжуд. Ҳар икки ҳолатда ҳам оламни яратган Оллоҳ билан узвий боғлиқ ҳолда келади. Лекин бирида(диний аспектда) Яратувчининг буюк қудратини, иккинчисида, яъни фалсафий маънода Оллоҳнинг сифатлари(тажаллийси)ни таъриф ва тавсиф этиш учун хизмат қилади.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг иккита байтида («Ўн саккиз минг қаму олам ғулғул қилур», «Ўн саккиз минг оламға сарвар бўлғон Муҳаммад») ўз маъносида, поэтик муболаға тарзида ишлатилган. Қуйидаги байтда эса у тасаввуфий моҳият касб этади:

Ўн саккиз минг оламға ҳайрон бўлғон ошиқлар,
Тобмай маъшуқ сўроғин сарсон бўлғон ошиқлар.

Имодиддин Насимийда бу ибора фақат тасаввуфий(ҳуруфий) мазмун ва ғоя ифодаси учун йўналтирилган:

Ўн саккиз минг оламнинг мавжуди кўнглумдур маним:
Бўлмишам дарёда гавҳар уйла билгил борҳо.

Ёки:

Ўн сакиз бинг оламин ойинасидур суратинг...

Алишер Навоий ғазалиёти ва «Лисон ут-тайр» достонида бу ибора учта йўналишда қўлланган:

1. Диний-мифологиқ маънода — коинотнинг бепоёнлиги Оллоҳ яратувчилиқ қудратининг нишонаси сифатида. Лекин қуйидаги матлаъли ғазал «мим» ҳарфига мансуб ғазалларнинг бошида келган бўлиб, анъанавий услубдаги шеърлар сирасига киради. Устоднинг ўзи махсус таъкидлаб ўтганидек, ҳар бир ҳарфга мансуб шеърлар гуруҳи махсус сарлавҳа ҳамда «ҳамду наът» ва «насиҳаторо ва мавъизатосо байт» лар билан бошланади:

Зиҳи, мулкунгнинг ўн сакиз мингдин бири келиб олам,
Бир уйлук қул санга олам аро Ҳавво била Одам.

2. «Лисон ут-тайр» достонидан олинган қуйидаги байтларда мазкур ибора соф тасаввуфий моҳиятга эга: коинот бағридаги беҳад мавжудот — Ҳақ сифатларининг хилма-хил шаклдаги тажаллийси. Ҳақ вужуди чексиз-чегарасиз уммон бўлса, ўн саккиз минг оламдаги мавжудот унинг сатҳидаги мавжлардир:

Ҳақ вужуди келди баҳри бегарон,
Мавжи онинг офаринишдин аён.
Ўн секиз минг **олам ичра ҳар не бор,**
Ким қилурлар аҳли маъний эътибор:
Ҳар не ким зоҳирдурур сурат аро,
Ким бори маръий бўлур ҳайъат аро.
Арз сатҳи узра юз шакли ажиб,
Шаклларда юз туман мавжи ажиб...
Ҳам *ақолиму билод* этгил хаёл,
Ҳам *биҳору ҳам уйуну ҳам жибол.*
Ҳам булар даври доғи *нору ҳаво,*
Бил ҳавою нордин ҳам *мосиво,*
Ҳам булар даври дағи *тўққуз фалак,*
Собиту сайёра **ҳам *хайли малак:***
Не малойик улки, *йўқ сони онинг,*
Балки миқдор ичра поёни онинг...
Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳот —
Нодиру олий — асоси коинот...

Кўриниб турибдики, Навоий олами шаҳодат ва олами ғайбга таллуқли асосий оламларни санаб ўтган. Шуниси диққатга сазоворки, унинг малойик олами ҳақидаги муболағаси («Йўқ сони онинг, балки миқдор ичра поёни онинг») «Мирсод ул-уббод»га-(асарнинг ўзбекча таржимасига «Минҳож ул-иршод» деб ном берилган) айнан мос келади.

3. Устод Навоий ўз салафларидан, ҳатто Сўфи Оллоёр(мазкур иборани тасаввуфий маънода қўллаган)дек халафларидан ҳам фарқли ўлароқ, «ўн саккиз минг олам» иборасини мажозий(ҳаётий) ишқ тавсифида ҳам маҳорат билан истифода этган.

«Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур» мисраи билан бошланган ғазалда таърифу тавсиф ҳаётий сифатлар устида боради.

Мажозий ишққа Ҳақиқий ишқнинг кўпгина сифатида қараган Навоийдек буюк зотларнинг ишқ бобидаги таърифу тавсифларини ана шу икки жиҳат(мажозий ва ҳақиқий ишқ)нинг узвий боғлиқлиги нуқтаи назаридан талқин қилмоқ керак. Зотан, устоднинг қуйидаги таъкиди бежиз эмас:

Гар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдур дема!
Ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз.

Биз ушбу мавзуга доир кузатишлар асносида ажиб бир манзаранинг гувоҳи бўлдик: «ўн саккиз минг олам» ҳақидаги илмий фикрлар, асосан, форсий тилда битилган асарлар таркибида келади. Аммо мазкур туркий ибора фақат туркий шеъриятда мунтазам қўлланган. Атоқли форсийзабон шоирлар шеъриятида мазкур ибора қўлланган шеърларни учратмадик.Бўлғуси тадқиқотлар бу масалаларга муайян янгиликлар киритиши мумкин, албатта.

Озод Ватан жамоли

С.МАҲКАМОВ суратга олган.

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Парижда Араб дунёси институти ва тарихий ёдгорликлар бўйича Миср бош кенгаши ҳамкорлигида копт халқи санъати кўргазмаси очилди. Кўргазмага қўйилган экспонатлар асосан диний матнлар ва Инжилнинг қадимий таржималаридан иборат.

Миср аҳолисининг ўндан бир қисмини ташкил этувчи коптлар тарихи мелодий биринчи асрга бориб тақалади. «Копт» сўзи «мисрлик» дея таржима қилинади. Бу кўргазма нафақат Париж аҳолисида, балки кўплаб хорижликлар орасида ҳам катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

* * *

Японияик тадқиқотчилар томонидан бир микрометрга(миллиметрнинг мингдан бир қисми) тенг митти ҳайкалча яратилди. Лазер нури таъсирида сигир шаклига келган синтетик сақичсимон суюқлик бу санъат асарига материал бўлиб хизмат қилди. Бу усул инсон саломатлигини тиклаш йўлида, шифокорлар митти препаратлар яратиб, уни ҳужайраларга жойлаштириши учун имконият беради.

Динора ДЎЛТАЕВА

СЎЗ — ҚАЛҚОН, СЎЗ — ЎҚ!



(Боши 1-бетда.)

Менми,
шундай қилмасам,
Шеър ёзган кўлим ҳаром
Агар эл деб ўлмасам —
Беҳуда ўлим ҳаром...
Навоийдан чўғ олган —
Ишқ оққан дилим ҳаром.

Ўзбек шоирлари,
Менинг дўстларим...
Ишқнинг савдосини кейин қиламиз.
Уйғонинг... бедорлик истадим,
Ватан ҳар нарсадан юксак эмасми...

Онасини сотган ўзбекмас,
Отасини отган ўзбекмас —
Жуфти ҳалол номусин ёвга
Тирик туриб ортган ўзбекмас...

Ўзбек шоирлари,
Менинг дўстларим...
Ҳайқиринг, чақмоқни титратсин юрак...
Ер шари қалқисин,
бир сўз истадим...
Йўқса, биздай шоир
Кимга ҳам керак?..

Ухламанг...
Шоири ухлаган юртни,
Ёғий осонликча топтамоғи бор...
Уйғотинг...
Уйқуда қолган сукутни —
Озодлик тонг каби
Қолсин беғубор...

II

Ўзбек шоирлари,
Менинг дўстларим —
Юртни жо қилганлар
Ўт нигоҳига.
Тизилишиб туринг,
Катта кўшинмиз
Абдулла Орифнинг сафида.

«Ёвга терс қараган мусулмон эмас»,
Ана, Шавкат Раҳмон келар биз томон...
Тирик бўла туриб ким юртим демас,
Демак у ўлгандир,
Беиз, бенишон!!!

Сўз қалқон бўлади, сўз ўқ бўлади,
Халқнинг юрагига бир чўғ сололсак,
Қачон эл бирлашса — бир туғ бўлади,
Енгамиз,
Шу туғ деб шамол бўлолсак...

Ўзбек шоирлари,
Биродарларим...
Ёв отган ўқ ўғлимга тегди,
Ёв отган ўқ қизимга тегди —
Энди қандай жим турмоқ мумкин?
Келажагим, ёруғ юзимга тегди...
Ўзбек ўниб-ўсмасин деди,
Менинг ёниқ изимга тегди...

Энди қасам,
Оллоҳга қасам!..
Бир лаҳза ухласам,
Бедор турмасам,
Бир лаҳза чекинсам,
Ёки йиқилсам...
Кўргилиги кўп бўлсин
Осмон!
Ахир шоирманми, шу чоғда
Элни уйғотмасам,
Бирга ёнмасам...

III

Сариосиё тоғларида жанг қиламан мен,
Ёвга тикдим икки кўзимни...
Халқим — онам, отамсан — халқим,
Сен деб ўлсам — уздим қарзимни...
Чўққилар ўт пуркар, ўлим соялар.
Тошима, тоғима, чидагин, бирпас
Жонинг оғридими, азиз қоялар
Гиёҳлар оғриниб олади нафас...
Мен келдим...
Ёғийнинг бир ҳамласига
Минг ҳамла қайтаргум,
Оламан қасос!
Менинг юрагимга оёқ қўйишга
Журъат қилолдийкин,
Қай малъун, нокас?

Бу тоғлар менга ҳам керак,
Бу тошлар менга ҳам керакдир...
Баҳорни уйғотган маъсум бойчечак,
Синглимдир, севгимдир, юракдир...
Сариосиё, Узун тоғлари...
Менинг тоғларима, ўзим тоғларим...
Токи туғатмасам қарға-зоғларни
Тузинг кўр қилмасму,
Дала-боғларим?!

Ана,
Ўққа чап бермоқ керак,
Тирик қолмоқ керак,
Жанг қилмоқ керак,
Тоғларим қаддига ўқ санчилганда
Елка бўлмоқ керак,
Суянчиқ, тиргак...

Бу тоғларни кўтармоқ мумкин,
Фақат ичда Ватан бўлса бас...
Ёв қирилар, ёв бўлар абас...

Фақат унгача,
Фақат шунгача,
Тоғларни, чўққиларни,
Чўққидаги қорларни,
Юракка жойламоқ керак,
Душман шунда танг қолади
Ватани йўқ, имони йўқ газанда учун
Бу чинаккам,
Зарба бўлади...

IV

Ўзбек шоирлари,
Мен жангда бўлдим,
Ўзбек ўғлонима кўнглимни ёрдим,
Мана шундай гаплар:
Исмингиз ким,
Усмонми, Суюнми ё Азим...
билмадим...
Муҳаммадми, Юсуф?
Бу гал жанг оғирроқ
Кечар азизим,
Душман ўтди сарҳадни босиб...

Қани кетдик,
Чиданг,
Эмакланг,
Тошларга босингиз кўкракни.
Шу тошлар... шу ҳаво... шу тупроқ
Бизники,
Бизга ҳам керак-ку!

... Жанг олдидан олов сўз
Юракка экилади.
Аскар оғам, сўзласам,
Дил сим-сим тўкилади.

Ким аяса жонини,
Шаънин урар тупроққа.
Эрмас ёв қаршисида
Тушгувчилар титроққа.

Биринг кўз бўл, биринг қўл.
Кўшил, Рустам Достон бўл!..

... Қани энди.
Кетдик.
Ўқдан тез учинг!
Шаштингиз шоширсин Осмонни!
Чиданг.
Ўққа чап беринг
Ахир, зафар қучмоқ осонми?!

... Тепаликдан душман ўт очар,
Токи маҳв этмасак
Тугамайди жанг.
Фақат олға!
Энди...
Тирик қолиш-чун
Сўнгги ҳамла зарур —
Ўқларни тежанг!

Ватан номи билан,
Озодлик номи билан,
Сўнгги ҳамла!
Чекинмоқ йўқлик,
Қулликдир.
Бу — синов палла.

Мана...
Етдик!!
Яшанг!
Бир ҳамла!
Сўнгра
Ғалаба.
Зафар шавқи чулғар жаҳонни,
Ана!
Бир кун осмон қутламоғи бор
Ғолиб келган Ўзбекистонни.

V

Ўзбек шоирлари,
Менинг дўстларим,
Нигоҳида тонглар...
Уйғоқ ҳислларим!
Ана, даричадан сокинлик кирар,
Севгига, кўнгилга яқинлик кирар...
Тонг кирар, шон кирар, бўстон киради...
Тип-тиниқ, ёп-ёруғ осмон киради...
Бизнинг юракларга оппоқ тонг бўлиб,
Озодлик киради, Ватан киради...
Ухламанг,
Ухламанг...
Мудроқ дилларга,
Қурол ўқталади —
Душман киради...
Кўнгилнинг гуллаган боғлари узра
Хазонрез киради,
Қирон киради...
Кимки, ухламаса
Ватаним деса —
Юрагида бир кўч,
Кўкрагида бир ўч —
Шаҳидлик киради,
Имон киради.

Ўзбек шоирлари,
Менинг дўстларим...
Ёзганим шу бўлди
Муҳаббат ҳақда.
Ана тонг ҳам отди...
Мен бир кеча
Ёнмоқ истадим,
Руҳимга бир ёниқ олов қуйилди.
Мен бир кеча,
Ўзимни ўзим уйғотдим.

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ УЛКАН АДИБИ

Халқ ичидан чиққан адиб ҳамма вақт шу халқнинг дарди, орзу-умидлари билан яшайди. Ўз миллати, юртининг тарихи унинг фаолиятини, ижод йўлини ёритиб туради. Истеъдодларга бой қорақалпоқ адабиётининг ҳозирги қиёфасини таниқли адиб Тўлапберган Қайипберганов ижодисиз тасаввур қилиш қийин.

Т.Қайипберганов 1929 йили Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманида туғилган. Меҳнат фаолиятини Иккинчи жаҳон уруши йилларида бошлаган бўлажак адиб, бир пайтнинг ўзида ҳам мактабда таълим олган, ҳам болаларга сабоқ берган. У дастлаб Хўжайли шаҳридаги педагогика билим юртида, кейинчалик Қорақалпоғистон Давлат педагогика институтида таҳсил олган...

Бир сўз билан айтганда, адиб ҳаётнинг катта қозонида қайнаб, халқ билан доимо ҳамдам, ҳамқадам бўлиб, унинг орзу-умидлари, қувонч ва ташвишларини ўзиники деб билиб яшади, курашди.

Бугунги кунда Т.Қайипберганов қорақалпоқ адабиётининг забардаст вакилларидан. Унинг романлари бир неча тилларга таржима қилинган. Т.Қайипбергановнинг «Қорақалпоқ қизи» диалогияси(1967) Қорақалпоқ Давлат мукофоти, «Раҳмат, муаллим»(1971) повести Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори бўлди. 1994 йили унга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони берилди. «Қорақалпоқ қизи» романи асосида теле-радиопостановкалар, спектакл, «Ўзбекфилм» киностудиясида «Қайсар қиз» номли бадиий филм яратилган.

Етмиш ёшни қоралаган таниқли адибимизнинг қарийб қирқ йиллик ижодий меҳнатига машҳур қирғиз адиби Ч.Айтматов берган қуйидаги таъриф айнан мосдир: ***«Тўлапберган, сен адо этган вазифа қорақалпоқ учун ҳам, жамики туркий халқлар учун ҳам том маънода бебаҳодир».***

Икки оғиз дил сўзи

ХХ аср қорақалпоқ адабиётида таниқли адиб Тўлапберган Қайипбергановга қадар Аббос Добилов, Содиқ Нурумбетов, Жўлмирза Оймирзаев каби бир қанча йирик намояндалар бўлган. Лекин Т.Қайипбергановнинг қорақалпоқ адабиётида қилган хизмати ўзига хос. Тан олиб айтиш керакки, у қорақалпоқ насрини фақат ўз халқи эмас, жаҳондаги бошқа халқлар ҳам севиб ўқиса бўладиган насрга айлантирди. Ўзбекистонда бу адибнинг номи ва асарлари кириб бормаган зиёли хонадон йўқ, десам хато бўлмас.

Эсимда, бундан ўттиз беш йилча аввал — ўқувчилик кезларимда «Шарқ юлдузи» журналининг ҳар бир сонини муштоқлик билан кутиб, навбатдаги сонини қўлимга олганимда илк бор бу ном кўзимга ўтдек кўринди: «Тўлапберган Қайипберганов. Маманбий афсонаси. Роман». Очиғини айтсам, тўнғич амакимнинг исми «Маман» бўлгани учун ҳам қизиқишим ортди. Романни ўқиб чиққач, кўз олдимда янги бир дунё очилгандек бўлди. Миртемир домланинг «Қорақалпоқ дафтари» шеърий туркумию Асқад Мухторнинг «Қорақалпоқ қиссаси» асаридан кейин қорақалпоқ халқи ҳақида менда ёрқин тасаввур уйғотган, ўзим ўқиган қорақалпоқ адибининг дастлабки романи эди бу! Ўшандан кейин Тўлапберган Қайипбергановнинг Абдулла Қаҳҳор ўзбек тилига таржима қилган «Совуқ бир томчи» қиссасини, «Биринчи ўқитувчи» ва бошқа қиссаларини, «Қорақалпоқ қизи» роман-диалогиясини, «Қорақалпоқ достони» трилогиясининг «Маманбий афсонаси»дан кейинги икки романи — «Бахтсизлар» ва «Гумроҳлар»ни, «Кўз қорачиғи» романини, қўйинг-чи, ҳар бир асарни қидириб топиб ўқийдиган бўлдим. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, адибнинг навбатдаги асари — «Қорақалпоқнома» роман-эссесини бевосита қорақалпоқ тилида ўқишга, ҳатто уни ўзимча ўзбек тилига таржима қилишга тутиндим...

Ҳар қалай, бир мухлис сифатида шунга аминманки, «Қорақалпоқ достони» трилогияси Туркистон халқлари адабиётида, худди Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Абдужамил Нурпеисовнинг «Қон ва тер» трилогиялари каби Мухтор Авезовнинг «Абай йўли» эпопеяси анъаналарини ўзига хос тарзда давом эттирувчи, китобхонни бутун бир халқнинг тарихий тақдири хусусида жиддий ўйларга толдирувчи кўламдор асар, йирик эпик полотнодир.

Кейинги ўн беш йил мобайнида Т.Қайипберганов яратган, ўзбек тилида нашр этган қарийб барча асарларига бевосита дахлдорлигим, адибнинг ўзи айтганидек, у кишининг «шахсий таржимони» бўлиб қолганимдан фахрланишга ҳақлиман, деб ўйлайман. Айниқса, «Қорақалпоқнома» роман-эссеси, Орол фожиаси хусусидаги «Бобомга хатлар» бадиҳаси, Бердақ ва Ойдўс бобо ҳақидаги тарихий драмалари катта инсоний дард билан ёзилган, теран ўйларга бой, ҳаётий асарлардир.

Адибнинг публицистик мақола, суҳбат ва интервюларини жамлаган, рус тилида чоп этилган «Из юрта — в мир» деб номланувчи китоби ҳам бор. Бу китоб номини ўзимча ўзбек тилига «Ўтовдан — отовга» деб ўгирдим ва шу ном остида Тўлапберган Қайипберганов билан бир суҳбат эълон қилдим. Суҳбат жараёнида англаб етганим ва қатъий ишонч ҳосил қилганим шу бўлдики, Тўлапберган Қайипберганов муттасил фикрлайдиган, фикрлашдан чарчамайдиган, эринмайдиган, шу боис фикри қотиб қолмаган ва ҳамиша ҳар бир масалада ўзининг мустақил фикрига эга бўлган адибдир.

Адибимизнинг сўнгги асарларидан бири — Ойдўс бобо ҳақидаги «Минг тиллолик бош» драмасида антиқа бир персонаж бор. Тиллога бергусиз бошларни пулга чақадиган, ўз отасини ҳам бир қоп кепакка сотишга тайёр, бировнинг ўлимидан ўз бахтини қидирадиган, хуллас, ўтакетган тубан ва ғаламис бир кимса бўлмиш бу персонаж «Номаълум қорақал–поқ» деб аталади. Дарҳақиқат, илон билан чаёндек оти аталмайдиган, Оти йўқ — Исмсиз у! Бундай «исмсиз»лар қай бир халқда йўқ дейсиз!..

Етмиш йиллик умрининг катта қисмини «номаълум қорақалпоқ»лар билан курашиб ўтказишга мажбур бўлган, шунда ҳам бўш келмай, дейлик, «Қорақалпоқ қизи» диалогияси, «Қорақалпоқ достони» трилогияси ва «Қорақалпоқнома» роман-эссеси билан халқига тенгсиз хизмат қилган Тўлапберган Қайипберганов қорақалпоқ адабиётида Бердақ, Ажиниёз, Жиян Жиров ва Кунхўжаларнинг қутлуғ анъаналарини ўзига хос тарзда янгилаб, бугунги кунда Марказий Осиё халқлари адабиётига ўзгача кўрк-тароват бахш этиб турган маълум ва машҳур адибларимиздан биридир.

ОТАУЛИ

АБДУЛ НОСИРНИНГ МАХФИЙ ТАДБИРИ

Қадимги юнон тарихчиси Геродот «Миср — «Нилнинг инъоми» деб ёзган эди. Умуман, Миср қадим замонларда ҳам, ХХ асрда ҳам жуда кўп алғов-далғов воқеаларга бой бўлган. Чинакам детектив ҳодисалар эса Сувайш канали билан боғлиқ. Канал нақд ўн йил мобайнида қазилган ва 1869 йил 17 ноябрда катта тантаналар билан очилган. Бироқ юз минглаб мисрликларнинг жони, қони эвазига қурилган бу иншоот тўла-тўкис бегоналар қўлига ўтиб кетиб, Миср иқтисодига сариқ чақалик фойда келтирмас эди.

1952 йил 23 июлда Жамол Абдул Носир раҳбарлигидаги «Озод зобитлар» ташкилоти подшоҳлик тартибига чек қўйиб, мамлакатни тиклашга киришгач, аҳвол ўзгара бошлади: янги ҳукумат Сувайш каналини Миср тасарруфига олиш ва ундан тушган фойдадан Асуан тўғонини қуришни режалаштиради.

Ана шу режа ўта махфий тарзда амалга оширилгани ҳақида ўша пайтда Сувайш канали маъмуриятининг раҳбари Иззат Одил қуйидагича ҳикоя қилади:

Ғаройиб ҳодисалар

Ушбу тадбирга ўта махфий тарзда тайёргарлик кўрилди. 1956 йил 23 июлда Ж. Абдул Носир уч нафар ёш денгизчи зобитни олдига чақиртиради(улардан бири Иззат Одил эди). У зобитларнинг ҳар бирига кичик ҳарбий гуруҳга бош бўлиб, Порт-Саид, Исмоилия ва Сувайшга йўл олишни топширади. Бу шаҳарларда Сувайш канали кампаниясининг идоралари жойлашган эди. Орадан уч кун ўтиб, подшоҳ Фаруқ тахтдан четлатилганининг бир йиллиги муносабати билан Жамол Абдул Носир Александрия шаҳридаги митингда нутқ сўзлаши, нутқ радио орқали эшиттирилиши лозим эди. «Энди гап бундай, — дейди ўшанда президент зобитларга, — мен нутқимда канал қурилиши раҳбари Лессепснинг номини тилга олишим билан сизларнинг ҳарбий гуруҳларинг кампания биноларини забт этишлари лозим». Хуллас, амалда бу иш айни режадагидек бажарилади.

Миср раҳбарининг «ўзбошимчалиги» Ғарбни қаттиқ ғазаблантиради, дастлаб мутахассислар чақириб олинади, кейинчалик Англия, Франция ва Исроил ҳарбий агрессия қилишга чоғланиб, таҳдид солади. Бироқ мисрликлар барча тазйиқларга дош беришди. Шунга қарамай, Сувайш каналининг оғир қисмати якун топмади. 1967 йили Исроил Синай ярим оролини босиб олиб, каналнинг шарқий қирғоғига чиққач, кемалар қатнови 8 йилга тўхтаб қолди. 1973 йили босқинчилар босиб олган жойларидан қувилгачгина, Сувайш канали қайта таъмирланиб, Миср халқи, давлати учун хизмат қила бошлади.

Ҳозирги пайтда канал Мисрга чет эл валютасини олиб келадиган асосий манбалардан ҳисобланади. Ҳар йили каналдан Миср давлати 2 миллиард доллар фойда кўради.

ҚАЙДАСАН, ОҚИБАТ?

Дардманни кўриб дарди ортмаган, шодумонни кўриб шодланмаган одамларга қийин.

Раҳимжон ака кейинги пайтда шу ҳақда жуда кўп ўйлайдиган бўлиб қолган. Нима десалар десин, аммо дунёни одамгарчилик, меҳр-оқибат гуллатиб туради, ер шарининг осмон тоқида ғилдираб тургани ҳам ана шу қувватдан...

Салкам эллик йил жарроҳлик қилиб, етмиш ёшни қоралаб турган жойида бундай ўйлаб кўрса, жудаям кўп бўлмаса-да, баҳоли-қудрат ишлабди, яшабди. Манқуртга ўхшаб эмас, одамга ўхшаб яшабди, фахрланса, ифтихор билан айтса бўладиган ишлар қилибди...

Одамбойни қоп-қора тунда тоғли қишлоқларнинг биридан олиб келишди.

Чангак бўлиб қолган ҳолида у ёқдан — бу ёққа ағнар, «вой қорним» дейишга ҳам дармони қолмаган эди бечоранинг. Раҳимжон ака беморнинг ҳолатини кўрибоқ «операция қилмасак бўлмайди», деган қарорга келди.

Операцияни бошлагач кўрдики, аҳвол жуда мушкул. Одамбойнинг ҳоли бундан баттар бўлиши мумкин эмасди: унинг ичаклари қоп-қорайиб, ириб кетганди. Жарроҳ бунақасини биринчи кўриши. Чирий бошлаган ичакларни ажратиб ола бошлади. Бутун оч ичак қисмини суғуриб ташлади-да сўнг олти метр одам ичаги ҳам бир тоғора бўлар экан. Йўғон ичакни меъдага улаб қўйди. Бошқа чораси йўқ эди — таваккал қилишга тўғри келди.

Илгари Раҳимжон ака бунақасига сираям дуч келмаганди. Одамбой ўлиб кетаверсинми? Олти метр ичакни деб-а? Одамнинг жони ичакдами!? Бўлмаган гап, оч ичаксиз ҳам яшар эҳтимол?.. Хуллас, таваккал қилди.

Адаб, одоб ва одам

Бир кун ўтди,тузук. Икки кун ўтди, яхшидай! Уч кун ўтди, яхши! Раҳимжон ака юраги така-пука бўлиб ниманидир кутарди. Ўнинчи куни... тонг азонда Одамбойдан хабар олгани кирган Раҳимжон ака қўрқиб кетди. Одамбойнинг рангида ранг йўқ, мурданинг нуқси уриб қолганди.

Наҳотки беш-ўн кунлик қувончу беҳаловатлик натижаси... шу бўлса? Йўқ... бунақа бўлиши мумкин эмас! Одамбой ўлмаслиги керак! Раҳимжон ака шошилинч суръатда Жиззаҳдан, Тошкентдан энг катта жарроҳларни чақиртирди. Улар беморни кўришди, афсус билан бош чайқаб чиқишди. Тошкентдан келгани, ҳатто, «Сиз хафа бўлманг, қўлингиздан келган барча ишларни аъло даражада уддалабсиз, аммо... нима ҳам қиларди, энди кеч...», деди қўлларини икки томонга ёзиб.

Раҳимжон аканинг қўлтиғидан тарвузи тушди, аммо ҳеч кимга билдирмади. Меҳмонларни жўнатди-да хонасига кириб обдон ўйлади. Нима қилиш керак? Қандай қилса Одамбой одам бўлади? Қорин бўшлиғидан тўхтовсиз йиринг билан қон оқаётган эди. Раҳимжон ака билдики, ичакнинг бир қисми яхши туташмаган, некроз сабабми, ҳарқалай ичак улашган жойида тешик пайдо бўлган. Бошқа кесиб, улаб бўлмайдиган жой, нима бўлганда ҳам энди мўъжизани кутиш керак. Мўъжиза эса, албатта, содир бўлиши лозим эди!

Бир маҳал ҳамшираллар шошиб қолишди: «Одамбойингиз ёмон бўлиб қолди...». Раҳимжон ака кўрсаки, аҳвол ёмон. Бемор шўрлик ранги кўкариб бир ҳолга келиб қолган, жон таслим қилаётгандай бир кўринишда. «Қон қуйиш керак, қонсираяпти...» хаёлидан ўтди докторнинг. Аксига олиб Одамбойга лозим қонни бу гал ҳеч жойдан топиша олмадилар. Бутун касалхона зир югурди. Келиб-келиб Раҳимжон аканинг қўшни бўлимда ҳамшира бўлиб ишловчи рафиқаси Мўмина янганинг қони тўғри келса бўладими? Одамбойнинг ҳам, Раҳимжон аканинг ҳам «худо» дегани шумикан, хуллас, қон ҳам қуйилди, бемор бироз тинчланганди бўлди.

Ўша тунни Раҳимжон ака яна Одамбойнинг қошида ўтказди. Тонг саҳар кўзи илиниб туш кўрди. Тушида жилдираб оққан сувларни, бодраб гуллаб ётган боғларни кўрди...

Уйғонган замони яна Одамбойдан хабар олди... Кўзлари хиёл очиқ йигитдан «Бирор нима ичинг келяптими?» деб сўради. Йигит сувга ишора қилди. «Шарбат-чи?» сўради яна. «Ҳа» деди нигоҳлари билан Одамбой. Раҳимжон ака уйга қараб чопди. Мўмина янгага айтиб, гилос шарбати қайнаттирди. Йигирма минут ўтмай ғизиллаб қайтган Раҳимжон ака Одамбойнинг олдида ўтирарди.

— Зўр бўлиб кетади Одамбой! Ҳали отдай бўлиб кетасиз, йигит! Холбой ака билан тўйлар қилиб уйлантирамиз, ўзим ўйнаб бераман! — деб беморнинг кўнглини кўтариб ҳам қўйди. Кейин, ҳамшираларга тайинлади: «Бу бола нимани кўнгли тусаса айтинглар, ей бирсин!»

Кечга яқин «Ош...», деди Одамбой. Раҳимжон ака уйига бориб бир чўқимгина ошни ўзи дамлади, бир косачада олиб келиб Одамбойга егизди. Бироз тузукдай эди. Эртаси яна яхшироқ, индини яна тузукроқ! Қорин бўшлиғидан йиринг-қон ажралиши кун сайин камая бошлади...

Мўъжиза юз берди! Одамбой одам бўлди, нақ тўқсон уч кун деганда уйга жавоб тегди. Бола бечоранинг ҳам, отаси Холбой аканинг ҳам худога бир дегани бор экан, Одамбой худди ўлимнинг оғзидан қайтиб келди.

... Ўша воқеага ҳам ўн беш-йигирма йил бўлибди. Раҳимжон ака ҳам қариди, қартайди, сочларига оқ оралади. Маҳмуджон, Фахриддин, Маматқул, Раҳматулла каби ўнлаб шогирдлари билан фахрланади, уларнинг даврасида ўзини шод, ктам сезади. Ўйлаб кўрса ўтган умр давомида юзлаб, минглаб жарроҳлик операцияларни бажарибди. Бу дегани ўшанча одамнинг умрига умр, саломатлик қўшибди. Ана шундан фахрланади.

Аммо одамлар орасида меҳр, оқибат кўтарилган лаҳзаларни кўрса, юраги озорланади. Негадир ўша Одамбойни кўргиси келади. У ўшандан бери йўқ, қорасини кўрсатмайди. Раҳимжон ака биладики, у тирик, қаердадир катта ҳисобчи эмиш, бой эмиш, пулдор эмиш! Бир карсон оч ичаксиз ҳам қорни гумбаздай эмиш!

Ҳа, майли, Раҳимжон ака шунисига ҳам рози, қаерда бўлсин Одамбойга ҳам, қўлидан наф кўриб, саломатлигини тиклаган бошқа юзлаб, минглаб, кишиларга ҳам соғлиқ, хотиржамлик тилайди. Яқинда бир ўғлини уйлантириб тўй қилди.Оддийгина «дўхтир»нинг тўйига тумонат одам йиғилди. Раҳимжон аканинг яйраб рақсга тушганини бир кўрсангиз эди... Эҳе...

Лекин, ҳар қалай, одамнинг дийдори ҳам бир давлатда! Ўша Одамбойни би-ир кўргиси келиб юрибди. Унинг танасидаги ўн беш-йигирма йиллик чандиқлари битиб кетганмикан?

Ана шунақа, Одамбой! Одамбойлар жуда кўп-у, лекин бу ҳаётда ҳам ҳақиқий одамлар ундан-да кўп бўлиши керак!... Раҳимжон аканинг ягона истаги шу.

Оға БУРГУТЛИ

* * *

Олимжон ака салкам ўттиз йилдан буён «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида ишлайди. Касби шофёр. У кишини ҳамма ҳурмат қилади. Сабаби, Олимжон ака ўз ишининг устаси, оққўнгил инсон. Яқинда суҳбатлашиб қолдик. Гап одамлар ўртасида оқибат кўтарилиб кетаётганига тақалди. «Оқибат бор», деди Олимжон ака ва қуйидаги ҳикояни сўзлаб берди:

— «Тешиккопқа» маҳалласида яшайман. Шу йилнинг ўн учинчи август куни эрталаб турсам, кўчанинг нариги томонидан тутун чиқаяпти. Аввалига нима бўлаётганини билолмадим. Тутун тобора қуюқлашиб борарди. Кейин одамларнинг бақир-чақири эшитилди. Демак, кимнингдир уйи ёнаяпти. Қўлимни оёғимга олиб кўчага чопдим. Нодира кўчасида яшовчи Боқи аканинг уйи ёнаётган экан. Тумонот одам. Кимдир пақир кўтарган, кимдир лапатки, кетмон... Кўп ўтмай ўт ўчирувчилар келишди. Лекин ҳеч нарсани сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Бутун бошли уй бир зумда куйиб кулга айланди. Инсон ўт балоси олдида жуда ожиз эканлигини ўшанда яна бир бор ҳис этдим. Боқи ака яқинда қиз чиқармоқчи эди. Қарангки, тўйга атаб олиб қўйган барча сарполар ҳам ёниб кетибди.

Ёнғинни ўчириб бўлгач, маҳалла қўмитасига бордим. «Одамларни уйини айланиб чиқсак, балки беш-ўн сўм пул йиғилар», дедим. Фикрим маҳалла оқсоқолларига маъқул тушди. Ўша куниёқ икки-уч киши маҳаллани айланиб чиқдик. Тўғри, ҳамма бир хил яшамайди. Маҳалладан бериладиган нафақа пули ҳисобига кун кўрадиганлар ҳам бор. Лекин улар ҳам савобдан четда қолишмади. Бир киши 20та ёғоч, яна бир маҳалладошимиз икки мингта ғишт берди. Биров чиқарадиган қизига атаб тикиб қўйган кўрпачасидан тўртасини ҳадя қилди. Хуллас, икки кунда майда-чуйдалардан ташқари, салкам 200 минг сўм пул йиғилди. Одамлардан айланай! «Бир муштдан берса ўлдиради, бир сиқимдан берса тўйдиради», деганлари шу бўлса керак-да. Биз берган бу арзимас пул ва буюмлар билан Боқи аканинг уйи битиб қолгани йўқ. Аммо кўнгли... Кўнгли қанча кўтарилганини билсангиз эди.

Бозор иқтисоди қийинчиликлари туфайли одамлар ўртасидан оқибат кўтарилиб кетди, деган гапларни эшитиб қоламан гоҳи-гоҳида.

Бу гаплар ёлғон. Оқибат бор, бўладиям. Чунки у бизнинг вужудимизга сут билан, қон билан кирган. Мен буни Боқи аканинг бошига қулфат тушганда яна бир бор кўрдим. Эрта-индин ёнган уй тикланади, тўй ҳам бўлади. Чунки атрофда оқибатли одамлар, маҳалла, юрт турибди. Улар бошига иш тушганларни, ёрдамга муҳтожларни ҳеч қачон ташлаб қўймайди.

Яшасин оқибат!

Беккул ЭГАМҚУЛОВ

ДИҚҚАТ!!!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Артмадад» махсус жамғармаси, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси, Республика маданият ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси, Самарқанд вилоят ҳокимлиги,Самарқанд вилоят маданият ишлари бошқармаси

Соғлом авлод йили муносабати билан
2000 йил 21-24 ноябр кунлари
Самарқанд шаҳрида

РЕСПУБЛИКА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ VI ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗАДИ

- Фестивалда Республикадаги профессионал қўғирчоқ театрлари битта саҳна асари билан қатнашишлари мумкин;
- Фестивалда қатнашиш истагини билдирган театр жамоалари ўз спектакларининг видео кассеталарини асар матни билан бирга 2000 йилнинг 15 октябригача ташкилий қўмитага тақдим этишлари лозим.

ФЕСТИВАЛ БОШ ҲОМИЙСИ — «САМАРҚАНД-ПРАГА» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

**Фестивални тайёрлаш ва ўтказиш ташкилий қўмитаси манзили:
Тошкент шаҳри,
Ҳамза кўчаси, 51-уй,
«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.
Телефонлар: (8.371) 133-44-08, 136-38-34**

ҲАЛОКАТ САБАБИ АНИҚЛАНДИ

Шу йил 25 июл куни Франциянинг товушдан тезучар «Конкорд» авиалайнери ҳалокатга учраган эди. Самолёт бортидаги юздан ошиқ йўловчилар ва экипаж аъзоларидан бирортаси тирик қолмади. Париждаги Авиаҳалокатлар сабабини қидирув миллий бюроси бу борада шундай хулосага келди: ҳалокатга узунлиги 42 сантиметр бўлган юпқа металл парчаси сабаб бўлган.

Бу металл парчаси ҳалокат рўй бергач, орадан кўп ўтмай «Конкорд» ҳавога кўтарилган учиш майдонидан топилган ва қисқа муддатда унинг ҳалокатга учраган самолётга тегишли эмаслиги аниқланган. Бюро мутахассислари фикрича, айни шу металл парчаси учиш майдонида тезликни ошираётганда самолётнинг чап тарафдаги ғилдиракларидан бирининг тагига тушган ва оқибатда ғилдиракнинг устки қавати ёрилиб портлаган, учиш йўлагига ҳам зарар етган. Портлаган ғилдиракнинг парчалари реактив моторга тушган, самолёт қанотидаги ёнилғи бакини ишдан чиқарган. Шундан сўнг рўй берган воқеалар ўз-ўзидан аён: двигатель тўхтаган, олов чиқиб, самолёт қулаб тушган...

Шов-шув

Шу ўринда, хўш, бу металл парчаси қаердан учиш майдонида пайдо бўла қолдийкин, деган савол туғилади.

Маълум бўлишича, «Конкорд» учган Париждаги «Шарл де Голл» аэропорти раҳбарияти ўша куни белгиланган тартиб бўйича учиш майдонида икки марта текширув ўтказган. Учинчи текширув эса «Конкорд» учишидан икки соат олдин ўтказилиши керак бўлиб, бу тадбир ўрнига шу майдонда ўт ўчирувчилар машқ қилишган.

Авиаҳалокатлар сабабини қидирув бюроси мутахассислари синчковлик билан иш олиб боришиб, ўша машъум металл парчаси учиш майдонига қандай тушиб қолганини аниқлашди. Маълум бўлишича, бу металл парчаси ўша куни айни шу учиш майдонидан «Конкорд»дан атиги тўрт дақиқа аввал парвоз қилган Американинг «Континентал» компанияси 067 рақамли ДС-10 самолётига тегишли экан.

Париж яқинида рўй берган бу ҳалокат сабабларини тўла-тўкис ойдинлаштириш ишлари ҳали давом этмоқда. Айнан кимларнинг айби билан бу фожиа рўй бергани аниқлангач эса, муаммонинг юридик ҳамда молиявий томонларини ҳал этишга киришилади. Хусусан, ҳалок бўлган йўловчиларнинг оилаларига суғурта тўланади. Бу борада гап бир неча юз миллион долларга бориб тақалаётир.

«ТИТАНИК»ДА БАХТ ТОПДИ

Машҳур «Титаник» филмидан режиссёр Жеймс Камерон нақд 200 миллион доллар ишлашга муяссар бўлди. Боз устига филм қисқа муддатда жуда машҳур бўлиб кетди: 11 номдаги «Оскар» мукофотига лойиқ топилган бу картина кино тарихида энг даромадли асар, деб тан олинди. Жаҳон бўйича ушбу филмдан тушган маблағ 2 миллиард долларга етиб қолди.

Юлдузлар ҳаётидан

Жеймс Камерон «Титаник»дан ҳам бойлик, ҳам мислсиз шон-шуҳрат... энг қизиғи, ўзининг бўлажак қайлиғини топди. Тўғрироғи, навбатдаги қайлиғини. Негаки, 45 ёшли режиссёр бунгача тўрт марта уйланиб ажрашган. Унинг янги умр йўлдоши актриса Сузи Элис «Титаник»да оддий эпизодик рол ижро этган. Филмни суратга олиш жараёнида уларнинг «топишгани»ни эшитган Камероннинг тўртинчи хотини — актриса Линда Хэмилтон хоним «қуруқ қўл билан» ажралгани йўқ. Узунқулоқ гапларга қараганда, у 7 яшар қизчаси Жезефинани боқиб, тарбиялаш учун Камерондан нақд 100 миллион долларни қоқиб олган.

Ҳозир Голливудда шундай гап юрибди: қани кўрамиз, Жеймс Камерон Лиз Тейлор ўрнатган рекордни янгилай олармикан? Лиз Тейлор саккиз марта эрга чиққанини ҳисобга олсак, Камеронга осон бўлмаслиги аниқ.

Э Ъ Л О Н

Шу йил 10 сентябр соат 18.00да пойтахтимиздаги «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида таниқли шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг ижодий кечаси бўлади. Унда машҳур адиблар, актёр ва хонандалар иштирок этадилар. Драматург асарлари асосида саҳналаштирилган комедиялардан парчалар кўрсатилади. Адабий кечага барча қизиққанлар таклиф этилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, метронинг «Ҳамид Олимжон» бекати

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, таниқли болалар шоири ва таржимон Турсунбой Адашбоевга умр йўлдоши
Саломат ҚОСИМОВА
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Мирзапўлат Тошпўлатовга онаси
Турсунмомо ТОШПЎЛАТОВА
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SANATI
2000 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт, наср ва назм бўлимлари: 136-56-50

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Беккул ЭГАМҚУЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди —

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 809. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

Тиражи—6288.